



# VATANDOSH


Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 16 август, № 6 (17)




**3-бет** АҚШ президенти Тошкентга қачон келади?



**Ўзбек режиссёрининг Голливуддаги дебюти**  
**5-бет**

**Мустақиллик байраминг муборак бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!**



**Доставка товаров в Узбекистан**

Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания

**Parcels and Documents Delivery to Uzbekistan**  
Reliable, efficient and high quality services

**USA**

3075 Brighton 14 street, apt.34b  
Brooklyn, New York.

11235-5561

Tel.: +14077220408

www.khaymansgroup.com

e-mail: info@khaymansgroup.com



**430 минг нафардан ортиқ абитуриент тест топширди**

**3-бет**

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)



Ўзбекистон — Америка Савдо палатаси раиси Каролин Ламминг сўзларига қараганда, шу йилнинг 16 август куни Тошкентда АҚШ ва Ўзбекистон ҳукуматларининг йиллик иккитомонлама маслаҳатлашувлари бўлиб ўтади. Ушбу тадбирлар доирасида, яъни 17 август куни АҚШ — Ўзбекистон йиллик бизнес форуми ҳам ташкил этилади.



## Каролин Ламм:

# «Ўзбекистонда меҳнат кучи катта тайёргарликка эга»

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Фаниев ҳамда Америка—Ўзбекистон савдо палатаси раиси К. Ламм

«Бўлажак форумда икки давлат ҳукуматлари аъзолари икки томонлама алоқаларни ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилишади. 17 август куни бизнинг компанияларимиз йиллик бизнес маслаҳатлашувларида иштирок этади. Мен икки томондан ҳам расмий шахслар қатнашадиган мазкур тадбирга 50 нафардан ортиқ йирик Америка компанияларини бошлаб бораман», деб қайд этди Ламм хоним.

«Ипак йўли» янгилар лентасининг ёзишича, ҳукуматлараро маслаҳатлашувларда АҚШ делегациясига АҚШ давлат котиби ёрдамчиси Роберт Блейк раҳбарлик қилади. «Бўлажак форум, менимча, палата аъзолари учун ниҳоятда фойдали бўлади. Биз ҳар доим форумни икки давлат, АҚШ ва Ўзбекистон ҳукуматлари етакчиларининг сўзларини эшитиш билан

бошлаймиз. Шундан сўнг бизнинг аъзоларимиз барчаси сўз олиб, Ўзбекистонда бизнесни қандай ривожлантириш, Ўзбекистон маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан фикр алмашади. Бу, ҳақиқатан ҳам, икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда қўл келади», деб қўшимча қилади АҚШ—Ўзбекистон савдо палатаси раиси Ламм хоним.

Ламм хоним сўзларига қараганда, форум доирасида йирик компаниялар ўртасида аниқ шартномалар ҳам имзоланиши мумкин. Чунинчи, дунёдаги атом энергетика корхоналарини уран моддаси билан таъминлашда катта тажрибага эга NUKEM Inc. компанияси ва «Навойй» кон-металлургия комбинати ўртасида битим имзоланиши мумкин.

Бош қароргоҳи Вашингтонда жойлашган Америка — Ўзбе-

кистон савдо палатаси фаолияти 1993 йилда йўлга қўйилган бўлиб, у икки давлат ўртасида савдо ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келади. «Биз келгуси йилда палатанинг 20 йиллигини кенг нишонлаймиз. Биз ташкил топганимиздан бери Ўзбекистонга муваффақиятли тарзда инвестиция киритиб келётган компаниялар аъзоси ҳисобланади. «NUKEM», «FMN Logistics», «GE», «GM», «Lockheed», «Boeing», «Caterpillar», «Case New Holland» шулар жумласидандир. Энг муҳими, сўнгги йилларда бу рўйхат тобора кенгайиб бормоқда», деб қайд этади палата раиси.

Ўзбекистон АҚШ инвесторлари учун кенг йўналишда имконият яратиб бермоқда. Ўзбекистон энергетика тизими шу-

лар қаторида. Ўзбекистон олтин, уран ва бошқа рангли металлларга эга бўлган табиий ресурсларга жуда бой. Бундан ташқари, кўп жиҳатлар борки, бизнес учун жозибалидир. Масалан, Ўзбекистонда меҳнат кучи катта тайёргарликка эга.

Ламм хоним Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг истиқболларига тўхталар экан, икки томон ҳам катта имкониятларга эга эканлигини қайд этади. Ўзбекистон тарафи чет эл инвестициясини жалб қилиш ва уни қўллаб-қувватлаш бўлса, АҚШ томонидан буни имкон қадар қўллаш талаб этилади. Палата икки давлат ҳукуматлари ўртасида Икки томонлама инвестиция тўғрисидаги шартномани АҚШ ҳукумати мамлакат бизнеси манфаатлари йўлида тезроқ имзолаши ва ратификация қилишга жиддий чорлаб келади.

## АҚШ элчиси Ядро физикаси институтига автомобиль тақдимоти маросимида қатнашди

2012 йил 11 июль куни АҚШ элчиси Жорж Крол Ўзбекистон Ядро физикаси институтига қилинган иккита "Мицубиси Л 200" автомобили тақдимотида иштирок этди. Бу автомобиллар Экспортни назорат қилиш ва чегара хавфсизлиги дастури доирасида сотиб олинган бўлиб, Ядро физикаси институтига АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан илгари берилган автомобиллар ўрнини эгаллайди.

Улар Ўзбекистоннинг 33 та миллий чегара пунктларида ўрнатилган нурланувчи портал мониторларни иш ҳолатида сақлашга масъул Ядро физикаси институтидagi техникавий гуруҳларнинг осон ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида сотиб олинган.

"Автомобиллар нурланувчи портал мониторларни назорат қилиб туришга имкон яратади, чунки биз таъмирлаш ва тузатиш ишларини олиб боришимиз учун чегараларга тез тез боришимизга тўғри келади, баъзан асбоб-ускуналарни олиб кетишимиз мумкин ёки фавқулдда ҳолатлар рўй бериб қолади, шундай пайтларда бу автомобиллар муҳим вазифани бажаришда жуда қўл келади", деди Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институтиди директориди Умар Солихбаев. Тақдимот маросимида элчи Крол Ядро физикаси институтиди ва у олиб бораётган фаолиятни олқишлаб, шундай деди: "АҚШ ва Ўзбекистон трансмиллий таҳдидлар, жумладан, халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуроли тарқалишига қарши курашда ҳамкордирлар. Қурол-яроқ тарқалиши ва

ноқонуний материаллар савдосиди нафақат икки мамлакатларимиз, балки бутун дунё олдиди турган муаммо саналади. Шу маънода Ўзбекистон Ядро физикаси институтиди амалга ошираётган ишлар биз яшаб турган дунёни хавфсизроқ жойга айлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир".

АҚШ Давлат Департаментиди томонидан бошқариладиган Экспортни назорат қилиш ва чегара хавфсизлиги дастури оммавий қирғин қуроли, уларни етказиб бериш тизимлари ҳамда шунга боғлиқ технологиялар ва бошқа қуроли тарқалишини тўхтатишга ёрдам бериш мақсадида тузилган. Ўзбекистондаги дастур ядро қуролини тарқатмасликка қаратилган кенг қўламли экспорт назорати бўйича кўмакни, лицензиялаштириш, ҳуқуқий/норматив техник семинарлар ўтқа-



АҚШ элчиси Жорж Крол (ўртада) Ядро физикаси институтига автомобиль тақдимоти маросимида қатнашди.

зиш, жиҳозлар билан таъминлаш, чегара назорати ва ҳуқуқ тартибот идоралари ҳодимларига тренингни ўз ичига олади.

2000 йилнинг апрелида йўлга қўйилганидан буён, Экспортни назорат қилиш ва чегара хавфсизлиги дастури Ўзбекистон ҳукуматини 20 миллион долларлик асбоб-ускуна ва тренинг, шу жумладан, алоқа воситалари, кузатув ва детектор мосламалари ҳамда транспорт воситалари билан таъминлади.

Vol. 6 (17). Thursday, August 16, 2012

Publisher:

**Farhod Sulton**  
farhod@vatandosh.com

Deputy Editors:

**Murod G'afurov**

**Mavlon Shukurzoda**

shukurzoda@vatandosh.com

Editors:

**Alisher Aymatli**

aymatli@vatandosh.com

**Toshpulat Rahmatullaev**

toshpulat@vatandosh.com

Managing Editors:

**Jora Bo'takoz**

**Lutfulla To'ra**

**Narkhudja Sadikov**

**Abdulvohid Sabri**

**Abdurahim Khamidov**

**Abdurahmon Mamanjanov**

**Ubaydulla Noorota**

**Hikmat Sulton**

**Tamara Nazarova**

Web Developers:

**Shohruh Kenjaev**

Partner organization:

**Uzbek Association of**

**Commons**

**Editorial and Executive office:**

2705 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY. 11235

**Phone:** 646.397.0325

**Web:** www.vatandosh.com

**Email:** info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher. The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

## “ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

[www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

## 430 минг нафардан ортиқ абитуриент тест топширди



**1 август куни Ўзбекистон олий ўқув юртларига кириш учун давлат тест имтиҳонлари бўлиб ўтди**

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2012/2013 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56 607 нафар ўғил-қиз қабул қилинса, уларнинг 19 340 нафари давлат грантида ва 37 267 нафари шартнома бўйича таҳсил олади.*

Ўзбекистон Давлат тест маркази маълумотларига кўра, бу йил мамлакатдаги барча олий таълим муассасаларига кириш мақсадида ҳужжат топширган ёшларнинг сони 432 мингдан ортиқ бўлган. Бу Ўзбекистон абитуриентлари орасида олдинги йилларга солиштирганда рекорд кўрсаткич экани айтилмоқда.

Тест жараёнлари билан боғлиқ ўзгаришлар йўқ. Одатдагидек, абитуриентларга ўқув фандан жами 108 та тест саволи тақдим этилди. Ҳар бир саволда тўртта жавоб варианты кўрсатилган бўлиб, улар орасидан биттаси танланди.

Шу ўринда жорий йилда тест ўтказиш билан боғлиқ бир қатор қоидалар такомиллаштирилганлигини ҳам айтиб ўтсак. Масалан, тест пайтида нафақат шпаргалка ва мобиль алоқа воситасидан фойдаланиш, балки уларни аудиторияга олиб кириш ҳам абитуриентни имтиҳондан четлатишга асос бўлди. Тест жараёни давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса, абитуриентларга ёрдам берса, у тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, тест синовидан четлаштириши мумкин эди.

Тест имтиҳонларида қатнашган абитуриентларнинг қайд этишича, жорий йил

имтиҳонларга кириш ҳамда имтиҳон жараёнлари жиддий назорат қилинган. Кўплаб олий ўқув юртларида телефонлар ва бошқа воситалардан фойдаланишнинг умуман иложи бўлмаган.

Шуни қайд этиш керакки, шу пайтга қадар ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга олий ўқув юртларга ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида кўшимча балл бериш тизими мавжуд эди. Эндиликда ана шу имтиёз 27 фоиз қилиб белгиланди. Бундан ташқари, имтиёзлар бўйича белгиланган кўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда танловдан ўта олмаган абитуриентлар мамлакатдаги бошқа олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишса, у тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда бу йил сентябрдан бакалавриятда бир йил ўқиш баҳоси 3 миллион 650 минг сўмдан 5 миллион 300 минг сўмгача, магистратура эса қарийб 4 миллиондан - 5 миллион 830 минг сўмгача белгиланган.

АҚШ президентининг у ёки бу мамлакатга расмий ташрифи ушбу давлатларда стратегик манфаат борлигини амалда намойён этадиган омиллардан ҳисобланади. Масалан, АҚШ президентлигига республикачилар партиясидан номзод Митт Ромнининг яқинда Исроилга ташриф буюриши унинг Яҳудий давлати билан ҳамкорликка урғу бериши билан бир қаторда, АҚШдаги яҳудийлар қўллаб-қувватлашишига эришиш ҳисобланади.

## АҚШ президенти Тошкентга қачон келади?

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари мустақил бўлганига 20 йилдан ошган бўлса-да, шу пайтга қадар бирон-бир АҚШ раҳбари бу минтақага ташриф буюргани йўқ. Марказий Осиёнинг Хитой, Россия ҳамда Хиндистондек йирик давлатлар таъсир доирасида жойлашгани, қолаверса, Эрон ва Афғонистон масаласини ҳал этишда минтақанинг катта аҳамияти борлигини инobatта оладиган бўлсак, АҚШ давлат раҳбарларининг "меҳмон бўлишга" интилиши йўқлиги таҳлилчиларни ташвишлантирмоқда.

Вашингтондаги Анлантика кенгаши ҳузурдаги Евроосиё маркази директори Росс Уилсоннинг АҚШ конгресси учун тайёрлаган маърузасида қайд этилишича, АҚШ президентининг Марказий Осиё мамлакатларига ташриф буюриши учун аллақачон шароит туғилган. "Ипак йўли" янгиланган лентасининг ёзишича, Уилсон конгресменлар олдида чиқши қилар экан, "Шу пайтга қадар биронта АҚШ президенти бу минтақага ташриф буюрмаган. Буни амалга ошириш керак", деб қайд этган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, АҚШдан Марказий Осиё давлатларига ташриф буюрган юқори мартабали амалдорларнинг энг нуфузи вакиллари орасида вице-президентлар, давлат департаменти раҳбарлари, қуроли кучлар кўмондонлари, вазирлар, парламент вакиллари бўлса-да,

бирор Америка президенти Ипак йўли марказига қадам ранжида қилгани йўқ.

Уилсонга кўра, АҚШ Марказий Осиёда ўз дипломатик фаолиятини мувозанатга келтириб олмоғи ҳамда яхшироқ мувофиқлаштириб олмоғи лозим. У Оқ уйда ушбу масала билан шуғулланадиган алоҳида лавозим жорий этилиши кераклигини айтиб ўтди.

"Вашингтонда Президент АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши (МХК)нинг Марказий Осиё масалалари бўйича директори-

Янги Ипак йўли ташаббусига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Унинг фикрича, Афғонистон орқали Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-транспорт алоқаларини ривожлантириш ушбу минтақа мамлакатларига катта қулайлик яратади.

Уилсонга кўра, АҚШнинг минтақадаги сиёсатининг муваффақиятли яқунланиши учун зарур манбалар жалб қилиниши керак. "2002 йилда Марказий Осиёда бизнинг сиёсий



ни тайинлаши лозим. Бу АҚШнинг ушбу минтақада ўз сиёсатини самарали амалга ошириш ва мувофиқлаштириб боришда қўл келади. Афсуски, ҳозирги кунда Марказий Осиё масалалари учун МХКнинг Россия бўйича директори жавоб беради. Бу, табиийки, биз кутаётган натижага олиб келмайди", деб қайд этади эксперт.

Уилсон, шунингдек, АҚШ томонидан илгари сурилган

мақсадларимизни қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан 328 миллион доллар ажратилган. 2013 йилда, менга маълум бўлишича, 96 миллион доллар бўлиши кўзда тутилган экан. Мен бу маблағ қанча бўлишини билмайман, аммо зарур маблағлар бўлмаса, биз Марказий Осиёда демократия, тараққиёт ҳамда хавфсизликни таъминлай олмаймиз", деб таъкидлайди.

## Роберт Блейк Тошкентга катта делегацияни бошлаб келди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 15 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун Тошкентга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакиллари билан иборат нуфузли делегация раҳбари АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди, деб хабар беради ЎЗА.*

Ўзбекистон раҳбари меҳмонни мамлакатга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон—АҚШ мулоқоти изчил ривожланиб, мазмунан бойиб бораётганини, ўзаро манфаатли ва узок муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга томонларнинг интилишлари муштарак эканини алоҳида таъкидлади.


Савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор

қаратилди. Американинг "Женерал Моторс", "Боинг", "Локхед Мартин" ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари иштирокида ушбу соҳада ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўплангани таъкидланди. Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 241 корхона рўйхатга олинган, мамлакатга киритилган тўғридан-тўғри АҚШ сармояси ҳажми эса 2 миллиард доллардан ошди. Роберт Блейк Америка


Кўшма Штатлари раҳбарияти Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва изчил ривожланишни таъминлашдаги, Афғонистонни тинч йўл билан тиклашдаги ролини юксак баҳолашини, шунингдек, АҚШ Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитишдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Учрашув якунида Ўзбекистон раҳбари биринчи марта ҳар икки томондан вазирлик ва идоралар, етакчи иқтисодий тузилмалардан иборат кенг таркибдаги делегациялар иштирок этади-де, Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг учинчи давраси доирасидаги музокараларга муваффақият тилади.

Америкалик сайловчилар Facebook орқали рўйхатдан ўтишлари мумкин. Вашингтон Facebook ижтимоий тармоғи орқали сайловчиларни рўйхатга олишга жорий қилган АҚШдаги илк сайлов округларидан бири бўлди. Рўйхатдан ўтиш тизими учун интернетдан фойдаланувчи исми ва туғилган санаси киритилади. Шунингдек, рўйхатдан ўтмоқчи бўлганлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ҳайдовчилик гувоҳномаси маълумотларини киритиш талаб қилинади.



## Президентни Facebook орқали сайлаш имконияти



Он-лайн регистрация шу йил ноябрда бўлиб ўтадиган президентлик сайловлари олдидан татбиқ этилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, АҚШда сайловчиларни рўйхатга олиш ҳар доим муҳокама марказида бўлиб, жиддий танқидга учраб келади.

Масалан, шу йилнинг февраль ойида Pew тадқиқотлар маркази ушбу масала юзасидан ўрганишлар олиб борган эди. Уларга кўра, АҚШда 24 миллион нафар сайловчини рўйхатга олишда амалдаги қонунчилик талаблари бузилган. Эътиборли жиҳати, рўйхатга олинган сайловчилардан 1,8 миллион нафари аллақачон ҳаётдан кўз юмган бўлса, 2,75 миллиони бир штатда бир неча марта рўйхатдан ўтказилган. Айни пайтда 51 миллион сайловчи ҳали рўйхатга олинмаган. Тадқиқотчилар фикрича, бу вазият амалдаги сайловчиларни рўйхатга олиш тизими бирмунча эс-

киргани туфайли юзага келган.

"FoxNews" олиб борган сўровларга кўра эса, АҚШ фуқароларининг 70 фоизи сайловларда қатнашишга гувоҳнома орқали рухсат беришни кўзда тутувчи қонун тарафдори экан. Уларнинг фикрича, бу сайловларда фирибгарликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Респондентларнинг 26 фои-

муҳокама қилинмоқда. Март ойида Техасда шундай тартиб ўрнатишни кўзда тутувчи қонун қабул қилинишини АҚШ адлия вазирлиги тўхта-тиб қўйган эди.

Экспертлар эса мазкур ташаббусларнинг таг-замарида республикачиларнинг ғаразли мақсади ётибди, дея таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, этник камчиликни ташкил қилувчилар ва



зи бунга тескари жавоб берган. Бу қонунга итоаткор фуқароларга ҳалақит беради, дейишмоқда улар. Шу кунларда АҚШда сайловчилардан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш ёки қилмаслик масаласи жиддий

кам таъминланган оилалар демократлар партиясининг асосий электорати ҳисобланади. Республикачилар ушбу қонун лойиҳасини қабул қилиш орқали демократларни етарлича овоздан маҳрум қилишни кўзламоқда.

## Тожик тарихчиси Амир Темур билан Ярослав Мудрийни адаштирди

Тожикистон буюртмасига асосан Хитойда тайёрланган 6-синф ўрта асрлар тарихи дарслигида рус князи Ярослав Мудрий Амир Темур деб таништирилган, бу ҳақда мустақил ОАВ хабар бермоқда.



Унга кўра, мазкур дарсликда кўп тарихий фактлар бузиб кўрсатилган. "Китоб муаллифи унда имкон қадар форсийда сўзлашувчи халқларни туркий халқлардан устун кўрсатишга интилган. Бунга ўрта асрдаги туркий давлатлар тарихига борйўғи икки варақ ажратилгани ва унда биронта ҳам сана ва даврлар кўрсатилмагани мисол бўла олади. Лекин сомониёлар ва уларнинг авлодлари дарсликнинг 20 бетидан кўпроқ жойда ёдга олинади ва ба-тафсил маълумот берилди. Энг даҳшатлиси шундаки, "Тарихи асрҳои миена" ("Ўрта асрлар тарихи") китобида бобомиз Амир Темур номига тўхмат ва бўҳтон гаплар битилган бўлиб, жумладан 173-бетда буюк Соҳибқирон "Золимии Темур" ("Темурнинг зулмлари") номли мавзудаги материалда совуққон, золим ва шавқатсиз ҳукмдор деб тасвирланган. Бу ҳам етмаганидек

унга илова қилинган рус князи Ярослав Мудрийнинг суратига бу Амир Темур, деб ёзиб қўйилган. Бу саводсизлик ёки тарихни яхши билмаслик эмас, аксинча Темур номи булғалаш мақсадида қилинган иш", - деб ёзади мақола муаллифи.

Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, бугунги Тожикистон ҳудудидаги Ҳисор қалъаси каби тарихий обидалар айнан темурийлар томонидан қурдирилган. Айнан темурийлар даврида бугунги Тожикистон ҳудудида маданият, илм-фан, маънавият ва маърифат гуллаб-яшнагани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса тожиклар ўзининг аждоди деб биладиган ва тарих китобларида бўрттириб ёритилган Сомониёларнинг айнан тожик миллатига мансуб бўлганлиги ҳақида аниқ далиллар йўқ ҳисоби. Бундан ташқари Сомониёларнинг пойтахти Бухоро бўлганини ҳам унутмаслик керак.



Улуғбек Қодировнинг MySpacedaги ягона расми. The New York Times

## «Улуғбек Қодиров ижтимоий тармоқлар қурбони бўлди»

Американинг Алабама штатида федерал судья Ўзбекистонлик Улуғбек Қодировни АҚШ президенти Барак Обамани ўлдиришни режаллаганида айбдор деб топди ва уни 188 ойга қамоқ жазосига ҳукм этди.

Улуғбек Қодиров учта айблов бўйича, яъни президентни ўлдиришга таҳдид қилганлик, қуролга эгалик қилганлик, шунингдек, террорчиларни моддий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш бўйича айбларини ўз бўйига олган.

АҚШ президенти ҳаётига суиқасд билан таҳдид қилганликда айбланган Улуғбек Қодиров жорий йил февраль ойида ўз айбларини тан олган.

Терговчилар Улуғбек Қодиров Обамани ҳаётига суиқасд қилишни мақсад қилиб, бу йўлда террорчилар билан

мулоқотга чиққанлигини қайд этишган. The Washington Post газетасининг ёзишича, Улуғбек Барак Обама 2012 йилги президент сайлови кампанияси туфайли жамоатчилик билан кўпроқ учрашиши натижасида юзага келадиган имкониятдан фойдаланиб, уни ўлдириши ҳақида муҳокама қилган.

Улуғбек Қодиров суд эшитуви давомида ўз қилмиши учун кечирим сўраган. У ўз айбларини тан олгани учун ҳам бир умрлик қамоқ жазосидан қутилиб қолган эди.

Прокурор ёрдамчиси Майкл Уизонант

"Бу суд иши ёшларимиз интернетда кўраётган пропаганда ва нотўғри ахборотдан қанчалик радикаллашиб бораётганини кўриш мумкин бўлган ўта муҳим мисолдир", деб қайд этган.

Судья Каллон суд қарорини эшитириб, "биз ўзларини тарғиботга бағишлаган барчага жиддий сигнал жўнатишимиз керак: жазо жиддий бўлади", деб қайд этган.

"The Associated Press"нинг ёзишича, Қодиров Улуғбекнинг адвокати Ленс Белл интернетдан ёзғиради. Негаки, Алабамага тиббиёт йўналишида тахсил олишга йўл олиб, бу йўлга кириб кетишини бошқача изоҳлаб бўлмайди. "Мен уни қурбон демоқчимасман, лекин у социал медиа даражаси қурбонидир", деб қайд қилади адвокат.



Ўзбекистонлик кинорежиссёр Баҳодир Йўлдошев илк марта Голливудда фильм суратга олди. "Ўлим фариштаси" деб номланган мазкур картинада бош қахрамон - махсус хизмат отряди командирининг наркомафия бандаси билан ўзаро зиддиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

## Ўзбек режиссёрининг Голливуддаги дебюти

Фильмда рафиқаси ўлдирилган ва фарзанди ўғирлаб кетилган махсус хизмат вакили жиноятчилардан қасос олишга аҳд қилади. Бош ролни россиялик актёр Игор Са-

"Қора кийинган одамлар-3?", "Темир ниқобли одам" каби картиналарда иштирок этган яна қатор актёрлар рол ижро этишди.

Баҳодир Йўлдошевнинг



Машҳур клипмейкер ва кино-режиссер Баҳодир Юлдашев

вочкин ижро этган. Қозоғистонлик Санжар Мадиев эса бош қахрамонга мақсадига етиши учун ёрдам беради. Қозоғистоннинг "Экспресс-К" газетасининг ёзишича, фильм Лос-Анжелес ва Сан-Диегода суратга олинган. "Ҳар бир суратга олиш куни катта маблағни талаб қилгани боис, актёрларнинг кунда 20 соатлаб ишлашига тўғри келган. Мазкур фильмда шунингдек голливуд актёри Арманд Ассанте ва

айтишича уни Голливудга дўсти сценарий ҳаммуаллифи Шавкат Азимов таклиф қилган. "Голливуд менга ёқди. Бу ерда барча имкониятлар муҳайё, фақат ҳамма нарса молияга бориб тақалади. Ҳалқимиз айтганидек, "пул бўлса, чангалда шўрва" экан. Айтишим мумкин, америкаликларга менинг Ўзбекистонда ва МДХ мамлакатларида қилган ижодий ишларим манзур бўлди", - дейди режиссёр.

## ЗИЁДА ЁРИГА АТАБ ҚЎШИҚ КУЙЛАДИ!

Куз фаслига бахт оқшоми бўлиши кутилаётган хонанда Зиёда бўлажак қайлиғига атаб қўшиқ ижро этди. Нахотки, дея тажубланаётган бўлсангиз ушбу қўшиқдан 4 қатор мисраларни сиз томон тақдим этаман:

ЯГОНА ЁРИМ ТИНГЛА ДИЛДА БОРИМ  
ДОИМО ХАЁЛИМ ЎЗИНГДА ЎЗИНГДА  
СОҒ СЕВГИМ САДОСИ БУ КЎЗИМ ЗИЁСИ  
ХАСРАТИМ ДАВОСИ ХАР АЙТГАН СЎЗИНГДА



Янги рақсбоп "Ўзингда-ўзингда" таронасига клип суратга олиш ҳам режалаштирилмоқда. Қизиқ клипда бош қахрамон образида кимни кўрар эканмиз? бўлажақ куёвними? ёки...Мухими клип эмас, мухими мана шу мухаббат чин ва самимий умрбод уларга хамроҳ бўлишидир. Ўз навбатида биз ҳам Зиёдага ҳам ижодий ҳам, оилавий БАХТ тилаймиз!



## Нуқтаи назар:

### Сурия инқирози... Миср сценарийси такрорланадими?

*Бугун сиёсатга, халқаро миқёсда содир бўлаётган воқеаларга қизиқиш билан қарайдиганлар Сурия инқирозини жиддий кузатиб бораётган бўлса ажаб эмас. Қарийб икки йилдирки, бутун Сурияни қамраб олган тартибсизликлар бугун том маънодаги урушга айланиб улгурди. Бугун ҳар куни ушбу мамлакатда ўнлаб инсонлар қурбон бўлмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, мамлакатда қонли тўқнашувлар бошланганидан бери 17 минг нафардан ортиқ киши ҳалок бўлган. Сурия ҳукуматининг кўзга кўринган вакиллари террор қурбони ҳам бўлди.*

Сурия инқирозини чуқур таҳлил қилиб кўрганда, шу нарса аниқ бўладики, бу ерда вазиятни кескинлаштирувчи омил, шубҳасиз, ташки кучлар бўлди. Дунё оммавий ахборот воситаларида (аниқроғи, ғарб оммавий ахборот воситаларида) Башар Ассадга қарши аёвсиз ахборот кампанияси олиб борилди. Бу ахборот кампанияси шу даражага бориб етдики, аксарият ғарб мамлакатларида Ассад ҳақиқий ёвуз диктатор сифатида намоён бўлди. Аммо масаланинг нозик тарафи шундаки, Сурияда ҳукуматга қарши уруш олиб бораётган тараф аниқ бир етакчига, сиёсий платформага ва ҳақиқий қўллаб-қувватловга эга эмас. Ғарб гарчи уларни бевосита қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмаётган бўлса-да, билвосита муҳолифатни, таъбир жоиз бўлса, қуролланган тўдаларни молиялаштириб келаётгани кўпчиликка сир эмас.

Умуман, Сурия инқирозининг ҳаддан кўп чўзилаётгани диққатга сазовордир. Албатта, булар бежизга эмас. Аввало, Ироқ, Миср, Ливия ва бошқа давлатлар билан боғлиқ муносабатларда "тили куйган" Россия ва Хитойнинг ушбу масалани ҳал этишда ягона принципда турганидир. Россияни ҳам тушуниш керак. Негаки, Сурия Россия учун стратегик аҳамиятга эга мамлакат. Ушбу мамлакатда 100 минг нафардан ортиқ россиялик мутахассислар фаолият юритишади. Россия қурол-яроғ экспортида Сурия асосий роль эгаллайди.

Анлантика кенгаши тадқиқот маркази вакили Анна Боршчевскаянинг CNNга берган интервьюсида "Россия оммавий ахборот воситаларида Сурия инқирозининг бир томонлама ёритилиши Путинга босимнинг таъсирини камайтирмоқда", деб айтади. Бизнингча, бу асоссиз

хулоса. Чунки Россия ўз манфаатини ҳимоя қиляпти. У шунинг учун интилади.

Сурия инқирози ҳал этилиши керак. У қайси йўл билан бўлса-да, барҳам топиши лозим. Араб давлатлари лигаси бугун Башар Ассадни тинч йўл билан кетишга чақирди. Ғарб мамлакатлари аллақачон бу йўлдан бораётгани кўпчиликка сир эмас. Россиянинг Франциядаги элчиси Башар Ассад ўз шарти асосида ҳокимиятдан кетишга рози эканлигини маълум қилди. Умуман, бу фактларнинг барчаси Сурия тақдири ташқарида ҳал қилинаётганини кўрсатади. Бир нарса аниқки, Ассаднинг ҳокимиятда қолиш ёки қолмаслиги - Сурия халқининг қўлида эмас. Бу халқаро миқёсда "ўзаро тийиб туриш ва халқ хоҳиши" деган тушунчаларнинг емирилиб бораётганидан дарақдир. Ғарб учун Ассад ҳокимиятдан кетиши керак. Россия ва Хитой учун уларнинг манфаати ёки таъсир доираси сақланиб қолиши керак. Демак, халқаро ҳамжамият Миср сценарийси асосида вазиятни бошқариши мумкин, яъни Ассад ҳокимиятдан кетади, лекин унинг режими айрим ўзгаришлар билан сақланиб қолади. Ғарб ҳам, қолган гегемон давлатлар ҳам бунга рози бўлиши мумкин.

Лекин минглаб одамлар қўлида қурол-яроғ сақланиб қолади, диний ва ҳудудий тарқоқлик, кескинлик авж олади. Башар Ассад кетгандан кейин ҳам ҳар куни бўлмаса - кун ора бирор бир кўргулик бўлиб туради. Яъни, Сурия халқи мана шу сиёсий ўйинлар қурбони бўлиб қолаверади.

# АҚШда ишлаш учун рухсат олиш жараёни бошланди

Маълумки, шу йилнинг 15 июнь куни АҚШ ички хавфсизлик вазири Жанет Наполитано Барак Обаманинг кўрсатмаси асосида АҚШда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ноқонуний иммигрантларга ишлаш ҳуқуқини берувчи нормаларни ҳаётга жорий этишини маълум қилган эди.

Шу йилнинг 15 августидан мазкур дастур бўйича ноқонуний иммигрантларга ишлаш ҳуқуқини бериш жараёни бошланди. Ушбу жараёнда иштирок этиш учун қуйидаги таомилларга тўғри келиши керак:

1. АҚШга илк бор келганида 16 ёшдан кичик бўлган бўлиши;

2. АҚШда мазкур норма жорий этилгунга қадар беш йил давомида яшган ва айна пайтда мамлакатда бўлиши;

3. Айна пайтда мактаб, академик лицейларда ўқиётган, умумий таълим сертификатига эга, Америка Қуролли кучларида хизмат қилган бўлса;

4. Муқаддам жиноят содир этмаган, мамлакат ва жамоат хавфсизлигига таҳдид туғдирмас;

5. 30 ёшдан ошмаган бўлса.

Бундан икки ойча бундан, Барак Обама Оқ уйдан ушбу масала юзаси-

дан мурожаат қилар экан, мазкур ташаббус Америка иммиграция сиёсатини "анча адолатли, анча самарали" бўлишига хизмат қилишини айтиб ўтди. "Бу амнистия эмас. Бу дахлсизлик ҳам эмас. Бу фуқароликка йўл ҳам эмас. Бу вақтинчалик чорадир", дея ўз фикрини исботлаган эди Обама.

Хуллас, янги тартибга биноан, АҚШга 16 ёшга қадар келган ва айна пайтда 30дан ошмаган ноқонуний иммигрантлар мамлакатдан чиқариб юборилмайди. Бунинг учун, албатта, жиноят содир этмаган, хавфсизликка таҳдид солмайдиган бўлмоғи лозим. Айна чоғда иқтидорли талабалар, АҚШ Қуролли кучларида хизмат қилганлар 2 йил давомида мамлакатдан чиқариб юборилмайди. Янги тартиб бўйича ишлаш ҳуқуқини олиш учун иштирокчилар АҚШда бўлмоғи ва сўнгги беш йил даво-

мида шу ерда яшаётганини исботламоғи керак. АҚШ ички хавфсизлик вазири Жанет Наполитанинг айтишича, бу тартиб амалдаги қонунлар доирасида амалга оширилади.

Оқ уй маъмурияти вакилларининг "CNN" телеканали айтишича, мазкур тартиб таъсир доирасига 800 минг нафардан ортиқ ноқонуний иммигрантлар тушади.

The New York Times газетасининг ёзишича, ушбу дастурга 1,7 миллион нафардан ортиқ тушади. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши натижасида иммиграция хизматларида узундан-узун навбатларнинг ҳосил бўлишига олиб келган.

Chicago Sun-Times маълумотларига қараганда, биргина Чикагонинг ўзида 11 мингдан ортиқ киши дастурда иштирок этиш истагини билдирган. Дастур чоршанба куни бошланган эса-да, сешанба



куни кечкурундан навбатга туришлар бошланган.

Уларнинг аксарияти дастурда иштирок этиш истагини билдириб, тегишли маслаҳатларни олиш учун узундан-узун навбат ҳосил қилишмоқда. Гап шундаки, мазкур ташаббусни рўёбга чиқариш учун тайёргарлик кўришга бор-йўғи 2 ой вақт ажратилган. Кўплаб ҳужжатлар, шакллар ҳали тўлиқ тайёр бўлмаган эди.

Ҳозирча топширилиши керак бўлган аниқ ҳужжатлар рўйхати эълон қилинмаган. Дастурда қатна-

шиш учун шахсни тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатни — туғилганлик ҳақида гувоҳнома, мактаб ҳужжатлари, тиббий маълумотнома ва молиявий ҳужжатларни кўрсатиш ҳам мумкин. Аризаларни кўриб чиқишга бир неча ой кетади. Ушбу вақт ичида мамлакатни тарқ этиш тавсия қилинмайди.

Биз мазкур тартиб-таомилларга тушадиган ҳамюртларимизни ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашиб, тегишли ҳужжатларни топширишга чақирамиз.

АҚШ Аҳолини рўйхатга олиш бюроси мамлакат аҳолисини ҳисобга олиш тизимини бутунлай ислоҳ қилмоқчи. Ушбу ислохотлар замонавий ўзгаришлар талабидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

## Энди «негр бўлмайсиз», ўртоқ «негр»!



"қора" ёки "афроамерикалик" сўзини қўллаш таклиф қилинмоқда.

Қолаверса, келиб чиқиши асли Лотин Америкасидан бўлганлар ўзларини "Hispanic" сифатида кўрсатиши мумкин. Яқин Шарқдан келган америкаликлар эса ўзларини "Араб" ёки "Яқин Шарқлик" сифатида Аҳолини рўйхатга олиш бюросида қайд этишлари мумкин бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, АҚШда охириги марта 2010 йилда аҳоли рўйхатдан ўтказилган бўлиб, ўшанда кўпчилик қоратанли америкаликларда "негр" сўзи эътироз туғилган эди. Ўз навбатида, Лотин Америкаси вакиллари ўзларини ким сифатида кўрсатишни билмаган эди.

The New York Times газетасининг ёзишича, бюро режасига кўра, респондентлар учун саволномадан бир қатор саволлар чиқариб ташланади. Чунончи, АҚШда ишлатилиши нојоиз бўлган "негр" сўзидан бутунлай воз кечилади. Унинг ўрнига

## Абдулла Тангриев Лондонга бормади



Бунга сабаб Абдулла Тангриевнинг қонидан наша (канабис) аломатлари топилган. Федерация расмий, шунингдек, Абдулла ўз мухлислари ишончини оқлай олмагани учун кечирим сўраган.

Эслатиб ўтаамиз, бундан аввалроқ Абдулла Тангриев олимпиадада иштирок

Ўзбекистон дзюдо федерацияси расмий сайти ўзбекистонлик дзюдочи, мутлоқ жаҳон чемпиони, Олимпиада йўлланмасига эга Абдулла Тангриев Лондон олимпиадасида иштирок эта олмаслигини маълум қилди.

этмаслиги ҳақида ахборотлар пайдо бўлган бўлса-да, расмий манбалар буни тўлиқ тасдиқламаётган эди. Хусусан, сайтимизда эълон қилинган суҳбатда Абдулла олимпиадада иштирок эта олмаслигининг сабабини яқинда оёғидан олган жароҳат билан боғлаган эди.

Абдулла Тангриев ўз вазн тоифасида (+100 кг) дунёдаги энг кучли дзюдочилардан бири бўлиб, 2008 йилги Пекин Олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлган эди. Дзюдо бўйича ўз вазн тоифасида ўтган йилги Жаҳон чемпионатининг мутлақ ғолиби. Уч карра бронза медаль соҳиби.

Абдулла Тангриев, бундан ташқари, беш карра Осиё чемпиони ҳам ҳисобланади.

Мана, 30 йилдан зиёдки, Афғон заминида уруш кечмоқда. Бир неча авлод кечираётган бу қабоҳатнинг оқибатлари, албатта, бир неча ўн йилликда бартараф этилмайди. 2001 йили халқаро терроризмга қарши курашиш байроғи остида АҚШ бошчилигида ҳарбий ҳужум ҳам Афғонистонда тинчликни қарор топтиришнинг уйдасидан чиқа олмайди. Афғонистонда уруш олиб боришнинг имконсизлиги афсонадан ҳаёт ҳақиқатига айланиб улгурди. Хўш, АҚШ бошчилигидаги халқаро кучлар қаерда хатога йўл қўйишдики, Афғонистон миссияси тўлиғича бажарилмади. АҚШ ҳарбийларига Афғонистон тарихидан дарс берувчи, шунингдек, American Enterprise институти тадқиқотчиси Майкл Рубиннинг CNN блогда ёзишича, АҚШ ушбу мамлакатда фаолият олиб боришда етти хатога йўл қўйган:

## АҚШнинг Афғонистондаги етти хатоси

1. Тезкор ислохотлар. Кўпчилик Афғонистонда янгилашлар, ўзгаришлар бўлишига ишонмайди. Шунинг айтиш кераки, бу бўлмаган гап. Афғонистон бугун бундан 30 йилги ёки бир аср бурунги Афғонистон эмас. Факт шундаки, Афғонистон ўзгаради, аммо бу жуда секин кечади. Йигирманчи асрнинг биринчи ўн йиллигида Омонулла Хон ёки 1978 йилдаги Зоҳир Шоҳ бошчилигида амалга оширилган ислохотларни айтишнинг ўзи кифоя. Булар ҳарқалай Афғонистон тарихидаги энг муваффақиятли ислохотлардир.

2. Марказлаштириш. Афғонистонни қайта кураётган дипломатлар парламентар тизимдан кўра кучли республикани маъқул кўришди. Афғонистон президенти вазирлар, маҳаллий ҳокимларни тайинлашдек марказлашган ваколатга эга. Лекин кўпчилик афғонлар марказга, яъни Кобул унчалик ҳам ишонч билан қарашмайди. Улар учун маҳаллий раҳбар кўпроқ таъсирга эга. Ҳукумат поғоналари ўртасидаги мувофиқлаштирилган фаолиятнинг йўқлиги ҳукуматнинг самарали ишлашини саробга айлантиради.

3. Ҳамид Карзай. Толиблар ҳокимияти ағдарилгач, АҚШ Марказий разведка бошқармаси Ҳамид Карзайни Кобулдаги ўз вакили сифатида кўра бошлади. АҚШ давлат департаменти ҳужжатларига қараганда, Карзай толибларнинг БМТдаги вакили бўлиб, Эрон ва Покистон билан қалин алоқаларда бўлган. У барча билан мулоқот қила олиши мумкин эди. Аммо булар яхши раҳбар бўлиш учун камлик қилди. Чунки Ҳамид Карзай бошқарув аппарати порахўрлик жан-



жалларига аралашиб қолди. Боз устига, у ҳокимиятни самарали бошқара олмайди, яъни эплай олмайди.

4. Аниқ вақтнинг белгиланиши. Ироқ уруши, ўз моҳиятига кўра, шунчаки ҳарбий стратегия эмас эди, балки психологик мақсадни ҳам кўзларди. Шу боисдан Буш урушни эълон қилди, барча ресурсларни жалб қилган бўлса-да, охир-оқибатни Ироқдан чиқиб кетиш санасини айтишга мажбур бўлди. Обама эса Афғонистон билан боғлиқ вазиятда мутлақо бошқача йўлдан юрди. У афғон халқига америкаликлар миссиясида юн борлигини айтиб, аниқ вақтни қайд этди. Шундан сўнг, НАТО бўйича АҚШ ҳамкорлари ҳам чиқиб кетиш бўйича режаларини айта бошлади. Бундай шароитда ўзининг омон қолишини ўйлаган афғон расмийлари Покистон, Эрон, шунингдек, Толиблар орасидан ўзларига паноҳ излай бошлашди.

5. Толиблар билан муроса столига ўтириш. Афғонлар шу пайтга қадар урушларда жуда кам ҳолларда мағлуб бўлишган. Толиблар билан, алал-

оқибат, музокара столига уруш том маънода Америка бу урушни ютмаганлигидан далолатдир. Чунки ютган одам мағлуб одамни музокара столига чорламайди.

6. Ёрдамнинг ҳаддан ташқари кўплиги. Таҳлилларга қараганда, Афғон ҳукуматининг қарийб 90 фоиз бюджети халқаро ҳамжамият берадиган моддий кўмакка боғлиқ қолган. Энг ёмони, мамлакат ҳарбий харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 97 фоизни ташкил этиши ҳам ўта ташвишлидир. Афғонистон бюджетини афғон халқи шакллантирадиган механизмлар ва манбаларни топиш керак эди.

7. Покистонга ишониш. Покистонлик сиёсатчилар, эҳтимол ҳақ гапни гапирар, лекин улар Афғонистон масаласида АҚШ билан ҳамфикр бўла олмайди. Чунки кучли, мустақил ва миллатпарвар Афғонистонни покистонликлар кўп ҳам хуш кўрмайди. Шунинг учун покистонлик ҳарбийларга энг муҳим масалаларда ишониб қолиш хавфлидир. Ҳатто бу Усома Бин Лодиннинг ўлдирилишидан олдин ҳам аниқ эди.



## Гулистонлик Гулнора опа ўз қариндошларини Нью-Йоркдан топди

Азалий ҳаёт ҳақиқати шу: тинчлик оилалар хотиржамлигини, мустаҳкамлигини таъминлайди. Уруш эса қачон ва қаерда бўлмасин, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, оила тинчлигини бузади, туғишганларни бир-биридан жудо қилади. "Ўзбекистон овози" газетаси уруш туфайли айрилган ҳамда сўнг бир-бирини топган инсонлар тўғрисида мақола чоп этди. Бу мақола эса шундай қисматни бошдан кечирган опа-сингиллар ҳақида...

Гулнора Жўраева "Такси плюс" корхонасида диспетчер бўлиб ишлайди. Турмуш ўртоғи Ҳакимжон Саримсоқов билан Сирдарё вилоятидаги Дўстлик кўрғонида истиқомат қилади. Кўп йиллардан буён ширин ҳаёт кечиради, ёлғиз қизи Турсунони турмушга беришган. Икки нафар набираси бор.

Гулнора интернет тармоғига кириб, онасининг қариндошларини излаб кўрмоқчи бўлди. Онаси 1948 йилда эвакуация қилинган болалар орасида Ўзбекистонга келиб қолганини, у икки синглиси ва укаси қай юртларда эканидан бехабар оламдан кўз юмганини, улар поляк миллатига мансублигини, фамилияси Лансман бўлгани ҳақидаги хабар ва суратларни интернет сайтига жойлаштирди. Тасодифни қарангки, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида яшаётган 75 ёшли аёл - Стивинс Мерлин асли исмлари Малика ва Рут Лансман бўлган опасингиллар номидан интернет сайтига худди шундай фамилияли аёлни қидираётганликлари ҳақида хабар ташлаган экан.

Хабар ва суратларни кўрган қариндошлар, ҳеч шубҳасиз, опасининг қизини топишганига ишонч ҳосил қилишди. Мерлиннинг набираси Роберто Гулнорани Амери-

кага таклиф қилиб, хоалари билан учраштирди. Унинг таассуротлари бир олам, холасининг гапларини такрорлашдан чарчамайди:

- Опамни Ўзбекистондан излаш хаёлимга ҳам келмаган. Наҳотки, опам ўзбекларнинг тарбиясини олиб, вояга етган, ўзбек йигитига турмушга чиққан, фарзандлари ўзбек, бугунги кунда улар Гулистон шаҳрида яшайди. Оҳ, қандай ҳайратланарли...

Гулнора сафар таассуротлари билан ўртоқлашар экан, яна шундай хикоя қилди:

- Уларга ўзбекларнинг саховатпеша ва болажонлигини гапириб бердим. Қариндошларим худди ўзимиздай ували-жували бўлиб кетишган экан. Барчаси атрофимда парвона денг. Энди навбат уларга, мавридини топиб меҳмонга келишмоқчи. Ҳа, айтганча, менинг икки синглим Гулистонда яшайди, бола-чақали. Уларга ҳали бу учрашув хаяжонлари насиб этгани йўқ. Энтикиш билан учрашувни кутишяпти.

Юракларни қанчалар ларзага келтирган бу дийдор кимларгадир оддий воқеадай туюлар, лекин буни уруш даҳшатларини кўрган, асоратларини бошидан кечирганлар жуда яхши ҳис қилишади.

**Жанглиш ҲАСАНОВА.**



## Нью-Жерсида ватандошлар сайли бўлиб ўтди

Ёз фаслида оила аъзолари, таниш-билишлар, ҳамюртлар билан сайилга чиқишнинг ўз гашти бор. Дилдан суҳбатлашиш, гурунглашиш, дийдор кўришишнинг аҳамияти ниҳоятда бебаҳодир.



Нью-Жерсидаги боғларнинг бирида йиғилган ўзбекистонлик ҳамюртларнинг мақсади шу эди. Сайилда ўз оилалари билан йиғилган ватандошлар миллий таомлардан тайёрлашиб, бир-бирига улашишди.

Айниқса, моҳир кабобпаз ёрдамида тайёрланган шашлик ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

"Туркистон - Америка" жамияти томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Нью-Жерси ва атроф шаҳарларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз қатнашди.



Сайилда сўз олганлар бундай тадбирлар мунтазам ўтказиб туриш, ўзаро дийдорлашиб туриш зарурлиги хусусида фикр билдиришиб, ташкилотчиларга ўз ташаккурларини билдиришди.



## Валижон Шамшиев Лас-Вегасдаги чемпионат совриндорлари орасида



Яқинда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида каратэнинг Чак Норрис асос солган "Чун Кук До" йўналиши бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур чемпионатда ўзбекистонлик каратэ устаси Ҳожамқул Ҳожақулов бошчилигида делегация ҳам иштирок этди.

Унда ҳамюртларимиз 6 та ўринга эга бўлиб, турнирда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишди. Чунончи, Ҳожамқул Ҳожақулов анъанавий ката ва кумите баҳсларида 2 та 3-ўринга сазовор бўлган бўлса, очик ката баҳсларида ҳам спортчи, ҳам кулгу устаси Валижон Шамшиев курул билан очик ката баҳсларида 2-ўринни, очик ката баҳсларида 3-ўринни қўлга киритди.

Яна бир қатнашчи Зумрадхон Тазетдинова эса курул ва очик баҳсларида 2 та биринчи ўринга сазовор бўлди. Спортчиларимиз Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишди. Шунингдек, Шотокан каратэ-до бўйича 5-ДАН қора белбоғ соҳиби Ҳожамқул Ҳожақулов "Чун Кук До" йўналиши бўйича ҳам 3-ДАН қора белбоғ соҳиби бўлди.

**UZ**  
**Trans Inc**

**Т: 855.898.7267**  
**314.435.3587**

**Ф: 855.282.5303**

**com**

### Owner Operator - мустақил операторларни ишга таклиф этади!

- 48та штат ва Канадага юклар
- 2013-йил треллерлари
- Ўзбек, рус ва инглиз тилида сўзлашувчи диспечерлар 24/7 доимий алоқада
- Ҳафталик иш ҳақи банк ҳисоб рақамида (direct deposit)
- Ёқилғи картаси ва олдиндан 50% нақд пул олиш имконияти
- Ҳар ҳафта уйда дам олиш имконияти
- Солиқ қоғозлари тўлдириш, суғурта ва рухсатномалар олишда тўлиқ ёрдам

### Америкада биринчи ўзбек киноси суратга олинди

"SAFIR STAR CINEMA" студияси ҳамда Нью-Йоркда очилган "Томоша" театри ҳамкорлигида янги "ЕХАМ" деб номланган фильм суратга олинди. Фильм ёшларни гиёҳвандлик йўлidan қайтариш, уларни тўғри йўлга бошлаш ҳақида бўлиб, Америкадаги Tribeca, Sundance кино фестивалларида намойиш этилиши кўзда тутилмоқда. Фильмда бош ролни Сардор Содиқов ўйнаган. Шунингдек, ролларда Санжар Атабоев, Ҳектор Дэлам, Ситора Ҳалимова, Алоҳон Хўжаев, Масума Аҳмедова ва бошқалар иштирок этган. Сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр Баҳром Бобобеков. Продюсер Сидик Санаев.



Хар йили АҚШга ўн минглаб талаба ёшлар таътил вақтида ишлаш ва дам олиш учун ташриф буюришади. Work and Travel USA дастури ёшларга нафақат Америка ҳаёти билан яқиндан танишиш, балки ишлаш ва йўлини қилиб, қолиб кетишгача бўлган имкониятдир. Ушбу дастур МДҲга аъзо мамлакатларда, айниқса, жуда машҳур бўлиб, биргина Россиянинг ўзидан ҳар йили 20-30 минг ўсмир Америкага келар эди. Мазкур дастур орқали келувчилар учун J-1 деб номланадиган виза тақдим этилади. Уни оммавийроқ қилиб “Жейваншик” деб ҳам аташади. Аммо бу йил ушбу дастур бўйича АҚШ отланаётганлар сони кескин тушиб кетди. Гарчи бу борадаги статистик маълумотларга кузда эълон қилинса-да, элчихоналар томонидан виза тақдим қилиш сони кескин камайган. Биргина Россия Федерациясидан ушбу дастур орқали 7-8 минг киши АҚШга ташриф буюрган. Албатта, 20-30 минг қаердаю, 7-8 минг қаерда?!



## Американинг “Work and Travel USA” дан тили куйди

Хўш, нега Work and Travel USA дастури бўйича Америкага ташриф буюрувчилар сони кескин камайиб кетмоқда? Бир гуруҳ экспертларнинг фикрича, мазкур дастур кўплаб фирибгарларга АҚШ худудига келиб олиш ва шу йўл орқали ноқонуний иммигрант сифатида қолиб кетишга шарт-шароит яратади.

Work and Travel USA дастури ташкилотчилари, айниқса, АҚШга келувчиларнинг аксарияти ўз мамлакатидан тузилган меҳнат шартномаси талабларига риоя қилмай қўйишидан ёзғиришади. Хусусан, 85 фоиз чет эллик талабалар мамлакат жанубий, марказий ва шимолий штатларида, шунингдек, қишлоқ шаҳарчаларида ва қишлоқларда ишлаши талаб қилинади. Айти пайтда талаба, шартномага қўл қўя туриб, аниқ бир жойда яшашга рози бўлади. Аммо аксарият “жейваншик”лар олис қишлоқларда яшашни истамасдан, шартнома ни ҳам ёддан чиқариб, Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Чикаго сингари АҚШнинг мегаполисларига интилишади.



Қонун бўйича чет эллик талаба ўз иш жойини ўзгартириши мумкин. Лекин у буни олдиндан уни ишга қабул қилган “босс”га айтиши, хорижлик талабалар хатти-ҳаракатини кузатиб борадиган SEVIS ташкилотига маълумот бериши керак.

Аммо Work and Travel USA дастури ташкилотчилари чет эллик талабаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши оммавийлигини қайд этиб, бунга қарши дастур қоидаларини кучайтиришни таклиф қилишди. Ана шундай қоидалардан бири

— шартнома талабларини бузган талабаларни депортация қилишдир. Боз устига, ушбу дастур бўйича шартномаларни сотиб олиш ҳолатлари ҳам учраб, улар одатда қалбаки бўлиб чиқади.

Бундай қалбаки шартномалар сони 95 фоизгача етишини айтишади. Энг ёмони, ушбу қалбаки ҳужжатлар Россия ва бошқа давлатларда тайёрланади ва реализация қилинади. Бундан ташқари, “жейваншик”лар яна бир қатор қонунбузарликларга қўл уришган. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, суғурта полисларини пуллаш, ўғирлик қилиш, сохта никоҳдан ўтиш шулар жумласидандир. Ушбу дастур бўйича келган қизлар танлаган йўлни эса тасвирлаб бўлмайди.

National Students Association маълумотларига қараганда, “жейваншик”ларнинг 20 фоизи АҚШда умуман ишламайди, балки саёҳат қилади. 30 фоиз атрофидаги талабалар эса орқани қайтмаслик учун Америкага келишади. АҚШ иммиграция хизмати берган маълумотларга

қараганда, охири пайтларда Америкада қолмоқчи бўлган “жейваншик”лар сони 10 минг нафардан ошади.


Work and Travel USA дастури иштирокчиларига бўлган салбий қарашлар сабабларидан яна бири чет эллик талабаларнинг турли молиявий фирибгарликка аралашиб қолишидир. Масалан, 2010 йилда Россия, Шарқий Европадан бўлган хакерлар “Зевс” трояларини ўз ватандошлари компьютерларига юбориб, уларнинг ҳисобидаги маблағларни ўмаришган эди. Ушбу маблағларни Work and Travel USA дастури бўйича келган ёшларнинг қалбаки номига ўтказиб, жами 3 миллион долларни ўғирлашган. Шундан сўнг АҚШ маъмурияти Work and Travel USA дастурини ислоҳ қилишга киришди.

Хусусан, бундай ислохотлар жумласига Россия ва бошқа солиқ Иттифоқ мамлакатларига бериладиган визаларни чеклаш (қисқартириш), тунда, яъни соат 22 дан эрталаб бгача ишлашни тақиқлаш чоралари кўрилди. Шу йўл билан қизларнинг турли тунги клубларда ишлашига тўсиқ қўйилди. Бу қоидадан бузган тўғридан-тўғри депортация қилинади. Бундан ташқари, ҳукумат чет эллик талабаларга қурилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлашни тақиқлаб қўйди. Чунки бу соҳалар вакиллари бундай ишчиларни ёллашдан бўйин товлашди.

## Зулфиқор Мусоқов:

# «Савияси паст, дидсиз фильмларнинг пайдо бўлишига кинотанқидчиликнинг оқсаётгани ҳам сабаб»

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёр Зулфиқор Мусоқов савияси паст, дидсиз фильмларнинг пайдо бўлишига кинотанқидчиликнинг оқсаётгани ҳам сабаб бўляпти, деб ҳисоблайди.



“Оддий бир фильми суратга олиш учун қанча куч, маблағ кетади. Аммо янги асар ҳақида матбуотда нари борса, уч-тўрт сатр хабар ёзилади. Телевидениеда ҳам шундай. Кинога бағишланган кўрсатувларнинг шакли ҳар хил бўлгани билан мазмуни деярли бир хил – асарга танқидий ёндашув ва энг муҳими, чуқур таҳлилни учратиб қийин”, дейди Зулфиқор Мусоқов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда.

Унинг айтишича, бугунги глобаллашув даврида айрим кучлар томонидан илгари сурилаётган маданий гегемония дунёга теран нигоҳ билан, реал ва хушёр қарашни, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатар-

ларни тўғри баҳолаб яшашни талаб қилаётир.

Зулфиқор Мусоқовнинг фикрича, миллий кино санъатимизда давр билан ҳамнафаслик руҳи кучайиб бораётир. Давлат ва хусусий студиялар бозор муносабатларига дадил қадам қўйди. “Улар ижодда замонавий йўналишларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу – жуда яхши. Лекин яратилаётган фильмларнинг ҳаммасини ҳам юксак савияли, дейиш қийин. Айти пайтда бундан лабимизга учуқ тошмаслиги, уни табиий жараён, деб қабул қилишимиз зарур. Зеро, дурдона асар ҳар кун дунёга келавермайди. Аммо, “якка отнинг чанги чиқмас”, деган нақл ҳам бехуда айтилмаган. Масалан, дунёга машҳур “Голливуд” (АҚШ) билан “Болливуд” (Ҳиндистон) ҳар йили суратга олинадиган минглаб фильмларнинг ҳаммасини ҳам юксак савияли дейиш қийин”, дейди режиссёр.

Таниқли режиссёрнинг фикрича, жаҳон кино дурдоналари хазинасидан ўрин олган мумтоз миллий фильмларимизни

қанча кўп томоша қилсак, шунча яхши. «Тоҳир ва Зухра», «Ўтган кунлар», «Сен етим эмассан», «Маҳаллада дув-дув гап» каби фильмларимиз нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

“Худойберди Девонов, Наби Ғаниев, Йўлдош Аъзамов, Комил Ёрматов, Лутфиҳоним Саримсоқова, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Қудрат Хўжаев каби мумтоз санъаткорларимизнинг ижоди ва фаолияти ҳақида кўпроқ кўрсатувлар қилинса, таҳлилий мақолалар ёзилса, фойдадан холи бўлмайди”, дея ўз мулоҳазаларини билдиради Зулфиқор Мусоқов.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Зулфиқор Мусоқовнинг “Абдуллажон”, “Бомба”, “Кичкина табиб”, “Осмондаги болалар”, “Ватан”, “Қўрғошин” каби картиналари томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган бўлиб, кўплаб халқаро мукофотларга лойиқ қўрилган.

Маълумки, ўзбек қўшиқчилик санъатида артистлар ҳаётини тўйларсиз, улардаги “бирров”ларсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин шундай санъат усталари борки, улар учун, аввало, ўз ижодини маромига етказиш, фақат ва фақат ижод билан шуғулланиш муҳим. Ана шундай ижодкорлардан бири, шубҳасиз, Муножот Йўлчиевадир.

## Муножот Йўлчиева: «Ўзимни тўйга урган санъаткор эмасман»



Мана, неча йилдирки, ўзбек мақом санъатини маромига етказиб куйлаб келаётган Муножот Йўлчиеванинг Ўзбекистонда ўзига хос мактаби шаклланди. Унинг ижросидаги тароналар нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам катта қизиқиш билан тингланади. Бу бежизга эмас. Чунки хонанда нафақат ўз

ижоди, балки ўз одоби, хулқи билан ҳам кўплаб санъаткорларга ўрнак бўла олади. Буни санъаткорнинг ўзига, атрофдагиларга бўлган талабчанлигидан ҳам билиш мумкин.

— Яқинда бир танишим “Муножот опа, ҳечам тўйларга бормайсиз-а? Ё сизга пул керак эмасми?” деб қолди», — дейди Муножот Йўлчиева «Даракчи» газетасига берган интервьюсида. — Қизиқ пул кимга ҳам керакмас? Лекин мен санъатга кириб келганимда моддий томонни биринчи ўринга қўймаганман. Устозим ҳам мени тўйга чиқариб ортимдан фойда кўришни ният қилмаган. Таниш-билишлар, яқинлар, санъатимни тушунадиган кишиларнинг тўйлари бўлса бораман. Лекин ўзимни тўйга урган санъаткор эмасман. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Истаган киши хоҳлаган санъаткорини кўнглига хуш ёққан жойига чақириб, қўшиқ куйлатиши, наҳотки хонандаларимизнинг нафсониятига тегмаса?! Қанчалик кўп маблағ беришмасин, агар борган жойимда инсон сифатида муомала қилишмаса, ўша ердан туриб чиқиб кетаман. Бундай ҳолатлар кўп бўлган. Айтмоқчиманки, киши энг аввало ўзини ўзи ҳурмат қила билиши керак. Ўшандагина бошларнинг ҳурмати ҳам сазовор бўлади. Санъаткор шунчаки “отарчи” эмас, балки шахсдир.

Муножот Йўлчиеванинг фикрича, аёл киши қайси касбда ишлашдан қатъи назар энг аввало, аёл эканини унутмаслиги лозим. “Бир умр оилада турмуш ўртоғим учун кўнглидагидек оила бекаси, фарзандларим учун намунали она бўлишга ҳаракат қилдим. Ва бунинг урдасидан чиқа олдим ҳам. Санъаткор аёллар ҳақида турли хил гап-сўзлар юришини ўзим ҳам яхши биламан. Бунда халқни айблашдан буткул йироқман. Шарқ аёллари азал-азалдан ўзининг андишаси, ор-номуси билан ҳурматга сазовор бўлиб келган. Аёл сифатида худди ана шу хислатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилганман», дейди хонанди.

Хонанда бу ҳислати атрофдагилар ўрнак бўлишини яхши тушунади. Буни бошқа санъаткор аёллар ҳам унутмасликлари керак, деб ҳисоблайди. «Элга машхур бўлишни мақсад қилиб саҳнага қадам қўйдингизми, буни албатта оқлаш ҳам керак», дейди у.

18-AUGUST  
7:00 PM



RESTORAN MANZILI:

Paradise Elegant Banquets  
9220 S. Harlem Avenue  
Bridgeview, IL 60455

tel.708 599 6800



CHIKAGO



U AAC va

OBID ASOMOV  
ISHTIROKIDA  
CHIKAGO SHAHRIDA  
RAMAZON BAYRAMI KECHASI

Chikago O'zbek-Amerika Assosiatseyasi sizni va oila a'zolaringizni 2012-yil 18-Avgust, shanba kuni kechqurun soat 7.00 da “Paradise Elegant Banquets” restoranda O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Obid Asomov ishtirokida Ramazon hayitiga bag'ishlanib o'tkaziladigan bayram kechasiga taklif qiladi.

CHIPTALAR NARXLARI

KATTALAR UCHUN: \$50

BOLALAR (3-11 YOSH) UCHUN: \$15

REGISTRATSIYA SOAT 6:00 PM DA BOSHLANADI

KECHAGA QATNASHISHNI ISTOVCHILAR CHIPTALARNI 15-AVGUSTGA QADAR SOTIB OLISHLARI SO'RALADI

Qo'shimcha ma'lumotlar uchun telefonlar:

630-247-8511 Akmal Jumaboev  
708-415-1743 Olim Sharipov



Лондонда бўлиб ўтган олимпия ўйинлари яқунлари бўйича “Интеграция” фонди NewsEffector мониторинг агентлиги билан биргаликда сўровнома ўтказиб, МДХнинг энг чиройли спортчи қизлари рейтингини тузиб чиқди.

## Ульяна Трофимова олимпиадада иштирок этган МДХнинг энг чиройли қизларидан бири деб топилди

Stadion.uz сайтининг ёзишича, сўровномада Россия, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Молдова, Арманистон, Озарбойжон, Ўзбекистон ва Қирғизистондан 17200 нафар киши қатнашган.

Биринчи ўринни бадий гимнастика бўйича жамоавий кўпкураш мусобақасида қатнашган россиялик Каролина Севатьянова эгаллади.

Иккинчи ўринни ҳам

Россия вакиласи Ксения Вдовина кўлга киритди. У аввалига 4x400 м. эстафета мусобақасига “заявка” қилинганди, кейинчалик эса мураббийлар уни алмаштиришга қарор қилишди. Шунга қарамай, у “Лондон-2012” машъаласи эстафетасида иштирок этди.

Учинчи ўринни эса олимпиадада кумуш медални кўлга киритган теннисчи Мария Шарапова эгаллади.

Ўзбекистонлик Ульяна Трофимова сўровномада олтинчи бўлди. Мусобақа олтидан ҳамюртимиз медалларга даъвогар сифатида эътироф этилаётган эди. Аммо баҳслар бошланишидан 5 кун олдин машғулот жараёнида у оёғидан жиддий жароҳат олди. Шунга қарамай, у ўз дастурини ўзгартирган ҳолда бадий гимнастика мусобақасида қатнашди ва 20-ўринни эгаллади.



Маълумки, 24 январь 2012 йил Франция Сенати томонидан янги қонун лойиҳаси маъқулланди. Қонун лойиҳаси тахминан бир аср олдин Усманийлар салтанати ҳудудида арманларга қарши содир этилган қирғинни геноцид деб тан олишни рад этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши кўзда тулади. Бу хатти-ҳаракатни содир этган шахсга тахминан 58 минг доллар жарима ва бир йилгача қамоқ жазоси белгиланиши мумкин.

Мазкур қонун лойиҳаси ўтган йилнинг декабр ойида Франция парламенти қўйи палатаси томонидан тасдиқланган ва кучга кириши учун президент Саркози уни 15 кун ичида имзолаши керак эди. Аммо Франция парламенти депутатлари ушбу қонуннинг мамлакат Конституцияси нормаларига мослиги юзасидан қарор чиқаришини талаб қилиб, Франция Конституциявий судига мурожаат қилишди. Шу йилнинг 28 феврал куни Конституциявий суд қонунни Франция Конституциясига ва бошқа асосий қонун ҳужжатларида кафолатланган сўз эркинлиги ҳуқуқига зид, деб қарор қабул қилди. Бунга жавобан президент Саркози қонуннинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилишини буюрди.



# Ҳуқуқий тушунчалар сиёсийлашганда ёхуд геноцид нима?

Шу ўринда арманларнинг қирғин қилиниши билан боғлиқ воқеага батафсил тўхталиб ўтсак. Тарихий ҳужжатларда таъкидланишича, Усманийлар салтанати 1915 йилларда Шарқий Анадолуда истиқомат қилувчи арманларни кўчириш ҳақида буйруқ берган. Арманларнинг кўпи айнан шу кўчириш мобайнида вафот этган. Вафот этганлар сони борасида аниқ бир маълумот йўқ. Уч юз мингдан бир ярим миллионгача арман қирғин қилинган, деган тахминлар бор. Арманистон ҳукумати ва хорижий давлатлардаги арман диаспораси лоббистларига кўра, Усманийлар салтанати Биринчи Жаҳон уруши даврида тахминан бир ярим миллион армани қатлиом қилган. Ўз навбатида, Туркия бу рақам бўрттирилган, деб ҳисоблайди. Туркияга кўра, 1915 йилларда Усманийлар салтанати парча-

ланиш арафасида бўлиб, бир неча давлат билан уруш олиб борган. Марказий ҳокимият сусайиши натижасида қирғиннинг олдини олиш имкони бўлмаган. Бундай сиёсий вазият оқибатида нафақат арманлар, балки Усманийлар салтанати ҳудудида яшаган турклар ва бошқа элатлар ҳам жабр кўрган.

Тарихчилар орасида ҳам арманлар қатлиомини геноцид деб аташда турли келишмовчиликлар мавжуд. Мичиган университети профессори Роналд Суни (Ronald Suny) назарида Усманийлар салтанати ҳудудида маҳалий арманлар қатл этилишини геноцид деб аташ мумкин бўлса, Массачусетс университети Амхерст коллежи профессори Гунтер Леви (Gunter Levi) фикрича, этник арманлар кўп сонда қирилиб кетгани рост, аммо бунга геноцид деб

аташ нотўғридир.

Бу ҳақда халқаро ҳуқуқ нима дейди? Мақолада масаланинг айнан шу жиҳати га диққат қаратамиз.

Геноцид нима?

Қатлиомларнинг ҳаммаси ҳам, қанчалик ваҳшиёна ва кенг тусга эга бўлмасин, геноцид сифатида таърифланмайди. Геноцид жиноятларнинг энг ёмони ҳисобланиб, уни баъзилар жиноятлар қироли деб атайдилар. Шу сабабли геноцид сўзининг маълум бир жиноятга нисбатан ишлатилиши кўп ҳолларда сиёсий тус олади.

Келишмовчиликларни камайтириш ва геноцид таърифига аниқлик киритиш мақсадида 1948 йил 9 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан махсус халқаро ҳужжат қабул қилинди. Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги кон-

венция (Геноцид конвенцияси) деб олган мазкур ҳужжат бугунга қадар 142 давлат томонидан ратификация қилинган. Бу эса конвенцияда қабул қилинган геноциднинг таърифи кўпгина давлатлар томонидан тан олинганлигидан далолат беради.

Геноцид конвенциясининг 2-моддасига биноан, геноцид деб қайсидир миллий, этник ёки диний гуруҳни бутунлай ёки қисман йўқотишни ният қилиб содир этиладиган қўйидаги ҳаракатлар тушунилади: [а] гуруҳ аъзоларини ўлдириш; [б] гуруҳ аъзоларига жиддий жисмоний ёки ақлий шикаст етказиш; [в] гуруҳ аъзоларининг бутунлай ёки қисман йўқ қилишга мўлжалланган ҳаётий шарт-шароитларни қасддан яратиш; [г] гуруҳ ичида бола туғилишининг олдини олишга мўлжалланган чора-тадбирлар кўриш; [д] бир гуруҳга мансуб болаларни бошқа гуруҳга зўрлаб ўтказиш.

3-моддага кўра эса қўйидаги хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик тайинланади: геноцид, геноцид содир этиш мақсадида тил бириктириш; геноцид содир этишга тўғридан-тўғри ва ошқора ташвиқ қилиш (incitement); геноцид содир этишга ҳаракат қилиш; геноцидда иштирок этиш.

Халқаро ҳуқуқда геноцид тушунчасининг энг муҳим жиҳати шундаки, бу жиноят исботланиши учун бу қилмиш маълум бир этник гуруҳни айнан шу гуруҳ аъзоси бўлгани учун қириб ташлаш нияти билан содир этилганлиги исботланиши керак. Геноцидни исботлаш энг қийин масаладир. Умуман олганда, жиноят ҳуқуқининг умумий қоидаларига кўра, жиноий жавоб-

гарликка тортиш учун кишининг маълум бир жиноят содир этишга ният қилганлигини кўрсатиш kifоядир. Яъни шахс айнан маълум бир миллий, этник ёки диний гуруҳни қириб ташлаш нияти билан юқорида санаб ўтилган жиноятлардан бирини содир этган бўлиши керак. Мисол тариқасида 1994 йилда Руандада содир этилган геноцидни келтириш мумкин. Руандада икки асосий этник гуруҳ: Хутулар ва Тутсилар ўртасида 1994 йилда келиб чиққан низо натижасида тахминан 800 минг киши қириб ташланган. Бунда Хутулар Тутсиларни айнан Тутси этник гуруҳига мансуб бўлганлари учун қирганлар. 2010 йилнинг июн ойида Жанубий Қирғизистонда, хусусан, Ўш ва Жалолободда ўзбекларга қарши содир этилган кенг қўламдаги қатлиомда ҳам баъзи сиёсатчилар ва халқаро ташкилотлар геноцид аломатлари бор эканлигини айтдилар.

Геноцид жиноятини содир этишда аниқ ниятнинг мавжуд бўлганлигини исботлашда ёрдам берадиган жиҳатлардан бири бу аниқ режанинг мавжуд бўлишидир. Масалан, Фашистлар яҳудийларни қириб ташлаш режасини тузиш учун тарихда 1942 йилда Ванзе конференцияси деб ном олган йиғилиш ўтказганлар. Мазкур тадбир сўнгида қабул қилинган протоколда айтилишича, йиғилиш қатнашчилари Европада яҳудийлар сони нечта эканлигини, уларни қандай меҳнат турига жалб қилиниши лозимлиги, оғир меҳнат натижасида тахминан қанчаси қирилиб кетиши ва ниҳоят барча қийинчиликларга бардош бериб омон қолганлардан қандай қутулиш масаласи ҳам муҳокама қилинган.

(Давоми 12-бетда).



**(Давоми. Бошланиши 11-бетда).**

Агар 2010 йилнинг ёзида Жанубий Қирғизистонда ўзбекларга қарши уюштирилган қирғиннинг ҳам олдиндан режалаштирилганини тасдиқловчи далиллар топилса, ушбу қирғин ўзбек-

худудда боснияликларга қарши содир этилган қатлиомлардан фақат 1995 йилда Сребреницада 8 минг боснияликнинг қатлиоми геноцид, деб топилди. Қолган ҳолатларда боснияликларга ва бошқа миллат вакилларига қарши содир этилган жиноятлар қанчалик оғир бўли-

## Ҳуқуқий тушунчалар сиёсийлашганда ёхуд геноцид нима?

ларни қириб ташлаш мақсадида амалга оширилганлиги исботлаш ҳамда унга геноцид таърифни бериш мумкин бўлади. Жиноий режа мавжуд бўлганлигини исботлашда бир гуруҳ кишилар ўзбекларнинг уйлари ва уларга тегишли бўлган бизнеслари аниқлаши, уларга белги қўйиб чиқиши, жиноят содир этишда ишлатиладиган қуролларни ким топиб келиши, қирғинни бево-сита кимлар амалга ошириши, бошқаларга қирғин ҳақидаги хабарни қандай қилиб етказиши, қирғинни кимлар молиявий таъминлаши каби масалаларни олдиндан келишиб олинганлигини кўрсатиш керак бўлади. Шундагина геноцид бўлганлигини исботлаш мумкин.

Геноцид содир этишда аниқ мақсаднинг мавжудлигини исботлашда ёрдам берадиган жиҳатлардан яна бири, бу – жиноят содир этиш учун кенг ташвиқот олиб борилганлигидир. Масалан, Руандада содир этилган геноцид мобайнида Хутулар Тутсиларни ўлдиришга ундашда радио ва телевидениядан кенг фойдаланганлар. Тутсилар Хутулардан бўйлари баландлиги билан ажралиб турганлари учун, Хутулар радио ва телевидения орқали давомли равишда “Баланд дарахтларни чопиб ташлайлик” деган чақириқлар қилганлар. Фашистлар ҳам яхудийларга қарши қирғинни бошлашдан олдин тарғиботдан кенг фойдаланган.

Геноцид жиноятини исботлаш ўта мушкул эканлигини БМТ қошида фаолият юритувчи Халқаро суднинг Боснияда содир этилган жиноятлар юзасидан чиқарган қарориди ҳам кўриш мумкин. Гап шундаки, Собик Югославия худудидида содир этилган қатлиомларнинг аксариятида геноцид аломатлари мавжуд бўлса ҳам, Халқаро суд фақат бир ҳолатни геноцид, деб топган. Халқаро суднинг 2007 йилда қабул қилган қарорига кўра, собик Югославия

шидан қатъи назар, геноцид эканлиги исботланмади.

**Арманлар қирғини ва геноцид**

Туркия ҳукумати 1915 йилларда Усманийлар салтанати худудидида истиқомат қилган арманлар кўпсонда қирилиб кетганини рад этмайди. Аммо бу қирғинлар геноцид деб таърифланишига кескин қаршилик билдиради. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, маълум бир жиноятни геноцид деб топишда неча киши ҳалок бўлгани умуман роль ўйнамайди. Ўлдирилган кишилар сони бештадан ошмаса ҳам, содир этилган жиноят геноцид, деб топилши мумкин. Ва аксинча, қатлиом қилинганлар сони 500 мингдан ортиқ бўлса ҳам, геноцид, деб баҳоланмаслиги мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жиноятни геноцид деб таърифлашда эътиборга олиниши керак бўлган энг муҳим масала бу жиноий ҳаракатлар қандай мақсад билан амалга оширилганидир.

Бундан ташқари, қатлиомлар қайси ният билан амалга оширилганлигини белгилашда аниқ айбдор шахслар ҳақида маълумот ва далиллар бўлиши керак. Чунки жиноий ниятни бутун давлатга эмас, балки алоҳида шахслар билан боғлаш талаб этилади. Арманлар қатлиомини геноцид деб таърифлашга хайрихоҳлик билдираётганлар шу кунгача қатлиомларни аниқ ким амалга оширганлиги ва умуман қатлиом устида ким тургани ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар. Улар умумий қилиб Усманийлар сулоласи амалга оширган дейди. Аммо бунинг ўзи кифоя эмас. Аниқ шахс ёки шахслар гумон қилинмаслигининг асосий сабаби тарихий фактларнинг етарли бўлмаслигидир. Бундай вазиятда эса қатлиомларни қайси ният билан амалга оширилганлигини белгилаш мумкин эмас ва натижада жиноятларни геноцид деб таърифлаш ҳам нотўғри бўлади.

**Хулоса**

Юқорида айтиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, Усманийлар салтанати даврида арманлар қирғинига нисбатан геноцид атамасини ишлатиш халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан деярли мумкин эмас. Шунинг учун алоҳида давлат парламентлари тарихий воқеаларга ҳуқуқий баҳо беришлари ҳуқуқий жиҳатдан нотўғридир ва тарихий воқеаларнинг сиёсийлаштирилишига сабаб бўлади. Нега арманлар қатлиоми геноцид бўла туриб, шу кунгача дунёнинг турли бурчакларида этник ёки диний гуруҳларга қарши содир этилган кенг қўламдаги қатлиомлар геноцид деб тан олиниши ёки олинмаслиги ҳақида қонунлар қабул қилинмаган?

**Миракмал НИЯЗМАТОВ**

## Ўзбек актрисалари қанча гонарар олишади?

**“ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯХШИ БИЛМАЙДИ”**

Раъно Шодиева салмоқли, таъсирчан роллари билан киносеварлар кўнглидан жой олган актриса. Дид билан кийинадиган, ролларига ҳам талабчан Шодиева битта фильмдаги роли учун 5000-5500 доллар миқдорида ҳақ олади.

**Ҳилол Насимов:** - Раъно Шодиева ҳақида фақат илтиқ ва ижобий фикрларни айтишим мумкин. Бу актриса кўпчиликка ибрат бўла олади. Бундан анча йиллар олдин “Раъно, сизнинг кинодан кинога ўтаверишингиз мавқеингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўз устингизда ишлашингиз учун имконият қолдирмаяпсиз” дегандим. Хурсандманки, у ўша пайт менинг гапимни ерда қолдирмаган. Раъно каби актрисалар суратга тушган фильмлар оммалашшига ишонаман. Камчилиги келсак, у ўзбек тилини яхши билмайди. Бу иш жараёнида унга кўп панд беради.

**“ИШГА ЎЗ ВАҚТИДА КЕЛИШНИ ЎРГАНСИН”**

Жамила Гофуровани “салбий роллар маликаси” десак арзийди. Чиройли, доим қулиб турадиган бу актриса салбий образларни ўта маҳорат билан ўйнаб бера олади. У фильмда суратга тушиши учун 4000-6000 доллар гонарар олади.

**Ҳилол Насимов:** - Жамила Гофуровани бемалол иқтидорли актрисалар қаторига қўйиш мумкин. Режиссёр қўйган талабни тўлиқ, маҳорат билан бажариб бера олади. Ўз устида ишлашдан ҳеч қачон чарчамайди. Аммо унинг ҳам ўзига яраша камчилиги бор. Айниқса, кечкиш одатини ташласа, яхши бўларди.

**“БАЧКАНАЛИК ЧЕГАРАСИ КАЕРДА?”**

Дилноза Кубаева. Бу актриса айни кунларда энг талабгир ҳисобланади. Кубаева суратга тушаётган фильмларнинг барчаси кассабоплиги билан ажралиб туради. Дилноза Кубаева хусусий студия томонидан ишланган битта фильмдаги роли учун 4500-5000 доллар гонарар олади.

**Ҳилол Насимов:** - Дилноза билан ишламаган бўлсам-да, у ҳақида тасаввурга эгаман. У жуда маҳоратли ва ўзига талабчан актриса. Унинг мақташга арзигулик томонлари жуда кўп. Аммо назаримда Дилноза кўпроқ хусусий фильмлар билан чегараланиб қолаётганга ўхшайди. Айнан хусусий фильмлардаги ролларини кузата туриб, у бироз бачканалик чегарасидан ўтганини сезиш қийин эмас. Дилноза Кубаевада имкониятлар жуда катта, бундан тўлиқ ва унумли фойдаланишни билиши ва уни тўғри йўлга йўналтириши лозим.

**“РОЛЛАРИНИ ИЧКИ КЕЧИНМА БИЛАН ЎЙНАСИН”**

Зарина Низомиддиновага 3000 доллардан 5000 долларгача гонарар тўлашса, фильмларга суратга тушади.

**Ҳилол Насимов:** - Зарина Низомиддинова ўз устида кўпроқ ишлаши керак. Уни ролларини кузата туриб, бу актриса ҳали кўп ишлаши ва чарчланиши лозим деб ҳисоблайман. Ролларини ички кечинма билан ўйнаса, мақсадга мувофиқ бўларди. Кадрда одамларга хунук кўринишдан кўрқмаслик керак. Заринанинг биргина омади - унинг кинобоп ташқи кўринишга эғалигида.

**“ХУСУСИЙ ФИЛЬМЛАРГА ЖУДА МОС”**

“Жаноб ҳеч ким” картинаси актриса Асал Шодиевага машхурлик олиб келган. Бошқа актрисаларга нисбатан киноларда камроқ кўринса-да, унинг ҳам ўзига яраша мухлислари бор. Асал кинолардаги роли учун 3500 доллар атрофида гонарар олади.

**Ҳилол Насимов:** - Асал Шодиеванинг энг катта ютуғи, омади келганида деб биламан. Бу актриса аксарият хусусий фильмларда рол ижро этгани учун кўпроқ уларнинг қонунқоидасига жавоб беради, деб ўйлайман. Лекин ҳаракати, изланиши бор.

**“ОДАМНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИГАН ТАШҚИ КЎРИНИШГА ЭГА”**

Севара Солиева ўзининг “Пойма-пой” фильмидаги роли билан танилди. Актрисанинг

Бугунги кунда ўзбек киносанъати борган сари ривожланиб, унда янгидан-янги чехралар пайдо бўляпти. Айниқса, актрисалар сони анча ошган. Қизиқ, кино мухлисларининг кўнглидан жой олиб улгурган, бугунги куннинг ёш ва етакчи актрисалари битта фильм учун ўртача миқдорда қанча гонарар олишади? Буни актрисаларнинг ўзидан сўрадик, уларнинг ижодий фаолиятига баҳо бериш учун эса режиссёр ва сценарист Ҳилол Насимовни таклиф этдик.

гонарари 3000 долларни ташкил этади.

**Ҳилол Насимов:** - Севара ҳам ўз устида изланиб келаётган ёшлардан бири. Одамни жалб қила оладиган ташқи кўринишга эга. Унинг кўп ролларини кўрмаган бўлсам ҳам, режиссёр сифатида эътиборимни тортган. Бу актриса ҳам ўз устида ишлашни тўхтатмаса, келажаги порлоқ бўлади.

**“ЎЗ УСТИДА ЖУДА УЗОҚ ВА КЎП ИШЛАШИ КЕРАК”**

Шаҳзода Муҳаммедова кино шинавандаларига “банан яхши кўрадиган, эрка келин” бўлиб танилган актриса. Шаҳзода фильмларда 2500-3000 доллар гонарар эвазига суратга тушади.

**Ҳилол Насимов:** - Очиғи, Шаҳзода Муҳаммедованинг ролларида бирор-бир мақташга арзигулик жиҳатни кўрмаганман. У ўз устида жуда узоқ ва кўп ишлаши керак. Актриса киноларда ўзини кўрсатиш учун эмас, берилган вазифани маҳорат билан бажариб бериш учун чиқади. Кўпроқ ташқи кўринишга эмас, ички кечинмаларга эътибор берса яхши бўларди. Актрисанинг ютуғи - чехрасида миллийлик бор.

**“ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ РОЛ ТАЛАБ ҚИЛИШ КЕРАК”**

“Кўзларинг маънос” фильми билан назарга тушган гоҳ шаддод, гоҳ оғир-босиқ қизлар ролини маромига етказиб ижро этадиган Ойдин Юсупованинг гонарари бошқа ҳамкасблариникидан камроқ, яъни- 1500 доллар.

**Ҳилол Насимов:** - Актёр ва актриса учун ролларнинг катта-кичиги бўлмаслиги лозим. Агар улар ролнинг ҳажмига қараб кинода суратга тушадиган бўлишса, ютқиизишади. Шундай роллар борки, у ҳажми кичик бўлса ҳам юки оғир. Актрисаларимиз мана шу жиҳатларни фарқлай билишса, яхши бўларди. Одам ўз имкониятларини инобатга олиб, роль талаб қилгани маъқул. Ойдин ҳақида айтадиган гапим шу...

**Алия Тулембаева тайёрлади.**



**Одил Аҳмедов:**

## "Ҳамиша вақт топдим дегунча, она юртим - Ўзбекистонга боришга ҳаракат қиламан"

Маҳачқалъанинг "Анжи" клуби айна пайтда Австрияда йиғин ўтказиб турган пайтда Россиянинг "Р-Спорт" нашри шу жамоа сафида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон термаси етакчиси Одил Аҳмедов билан қисқача суҳбатда бўлди.

**- "Анжи"нинг янги мавсумга тайёргарлик ишлари қай даражада кечмоқда? Европа Лигасидаги стартдан олдин ўзингизни қандай ҳис қилмоқдасиз?**

- Айна пайтда машгулотларда бор эътиборимизни жисмоний тайёргарликларга қаратмоқдамиз. Ҳамма таътилдан қайтди. Энди тезликни оширишимиз керак. Шунингдек, тактик машгулотлар ҳам ўтказилмоқда.

**- Россия чемпионатида жамоа олдига қандай вазифалар қўйилган?**

- Ўтган мавсумда 5-ўринни қўлга киритдик. Ўз ўрнида тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Янги мавсумдаги вазифамиз - кучли учликка кириш.

**- Гус Хиддинкнинг иши ҳақида нима дея оласиз?**

- Биринчи ўринда, унинг инсоний хислатларига урғу бермоқчиман. Хиддинк жамоага келган пайтда уни калондимок, деб ўйлагандим. Аслида бунинг акси экан. Гус шундай инсонки, клубдаги ҳар

бир киши билан тил топишади. У ҳаммамизни тинимсиз қўллаб туради. Бундай мураббий билан ишлаш ёқимли.



**- Легионерлар лимитига ўзгартириш киритилгани ҳақида қандай фикрдасиз?**

- Тўғриси, ортиқча ҳиссиётга берилмадим. Бу мен учун албатта, яхши. Чунки кўпроқ майдонга тушиб, ўсиш имкониятим ошади. Европада лимит тушунчаси йўқ. Шу боис ҳам футбол-

чилар ўзларини эркин туттишади. Агар Россияда ҳам чекловни бекор қилишса, яхши бўларди. Негаки, маҳаллий футболчилар таркибга кириш учун ўзларини кўрсатишга уринадилар. Ҳозирда россиялик футболчилар ўрнимиз қафолатланган, деб ҳисоблашади. Бу уларнинг хотиржамликка берилишларига олиб келиши мумкин.

**- Ўтган мавсумда Европа клубларидан бирига ўтишингиз мумкинлиги ҳақида гап-сўзлар урчиганди. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин? Янги даражага кўтарилишга қачон тайёр бўласиз?**

- Тўғри, гап-сўзлар қанот ёзди. Агар иложи бўлса, ўз кучимни Европада синаб

кўришга қарши эмасман. Бу ўзим, оилам ва мухлисларим учун ёқимли. Қайси мамлакат чемпионатида ўйнашим эса унчалик муҳим эмас. Италия, Испания, Германия, Франция ёки Англия жамоалари тўла маъқул.

**- Таътилни қандай ўтказдингиз?**

- Ҳамиша вақт топдим дегунча, она юртим - Ўзбекистонга боришга ҳаракат қиламан. У ерда ота-онам ва оилам бор. Бўш вақтимни доимо яқинларим даврасида ўтказаман.

**- Сиз унчалик катта бўлмаган шаҳарда яшасиз. Маҳаллий мухлисларнинг муносабатлари қандай?**

- Албатта, у ерда мени яхши кўришади ва ҳурмат қилишади. Наманган шаҳрида одамлар оддий. Ҳамма футболни севади, менинг Россиядаги фаолиятимни кузатиб боради. Шаҳарда фамилиям ёзилган футболкаларда юрган мухлисларни тез-тез учратиш мумкин.

**- Билишимизча, бўш вақтингизда видеоўйинларга берилишни ёқтирасиз. "Анжи" мухлисларига қарши ўйнашга тайёрмисиз?**

- Ҳа, бу ажойиб гоа. Жамоамизнинг мухлислари билан ҳар нарсага тайёрман!

**Ж. БОБОХОНОВ тайёрлади.**



## Руслан Чагаев эндиликда эркин агент

Ўта оғир вазнда собиқ жаҳон чемпиони, ўзбекистонлик боксер Руслан Чагаев Universum Box-Promotion промоутерлик компанияси хизматидан воз кечишга қарор қилган. У бу ҳақда Allboxing.ru сайтига берган интервьюсида қайд этган.

"Мен олдинга интилишим керак. Universum Box-Promotion менга тегишли жанглари уюштириш имкониятига эга эмас", деб қайд этган боксчи. Руслан, шунингдек, компанияда раҳбарият алмашганда вазият ўзгаришига умид билан қараган бўлса-да, ҳеч нарса юз бермаганини афсус билан қайд этган.

"Вальдермар Клюх билан суҳбатимиздан сўнг, биз шартномани бекор қилишга келишдик, шундай қилиб мен эркин агентман", деди Руслан Чагаев.

Руслан Чагаев профессионал рингда 29 та жанг ўтказиб, 26 тасида ғалаба қозongan, иккита ўйинда мағлубиятга учраган, бир ўйинни дуранг билан яқунлаган. "Оқ Тайсон" 18 та ўйинни нокаут билан туғатган.

## Месси ва Ко.нинг Тошкентга келиши қанчага айланади?

Футбол бўйича Аргентина терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушиш учун 2,5 миллион, 2006 йилги Жаҳон чемпионати иштирокчиси, Африка қитъаси вакили – Того терма жамоаси билан ўйнаш учун 40 минг доллар "гонорар" пули тўлаш керак. Бу ва бошқа терма жамоаларнинг "нархлари"ни Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот котиби Санжар Ризаев ўз твиттеридида эълон қилди, деб хабар беради Kup.uz янгиликлар сайти.

Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизмати раҳбарига кўра, Жанубий Америка вакиллари ўртоқлик учрашувига таклиф қилиш анча қимматга тушади. Жумладан, Колумбия ҳамда 2010 йилги жаҳон чемпионати плей-офф босқичи иштирокчиси Чилига 300 минг доллар тўлаш керак бўлса, Парагвай 250 минг, Перу 200 минг, Коста-Рика эса 150 минг долларга ўзини баҳолаган.

Африка қитъаси вакиллари эса нисбатан арзонроқ нархга ҳам кўнишади. Хусусан, қитъанинг энг етакчи терма жамоалари – Камерун, Гана ва Нигерия билан 150-200 минг доллар атрофидаги "гонорар" эвазига ўртоқлик учрашуви ўтказиш мумкин. Габон терма жамоасининг нархи 120 минг бўлса, 2006 йилги жаҳон чемпионати иштирокчиси Ангола терма жамоаси 100 минг доллар миқдоридида мукофот пули сўрайди.



Санжар Ризаев фақат иккита қитъа вакиллари "нархлари"ни эълон қилган, Европа вакиллари бирорта мисол келтирилмаган. ЎФФ матбуот котибининг ёзишича, Ўзбекистон ҳали ўзига нарх қўймаган, бироқ Жанубий Корея терма жамоаси ўзбекистонликлар билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун 30 минг доллар "гонорар" тўлаганини маълумот ўрнида келтирган.

Ўзбек киноси маъно-мазмун ва ахлоқий тарбияси билан муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Ҳар бир яратилган кино асар тарбиявий аҳамияти билан халқ маънавиятини оширган. Боиси фильмлар сценарийси буюк ёзувчиларимиз ва драматурглар қаламига мансуб бўлиб инсонлар тафаккури равангага хизмат қила олган. Аҳамиятлиси, мазкур фильмлар томошабини фақат ёшлар бўлмаган. Кинотеатрга ёпирилиб келган халқ орасида оқсоқол отахонлардан тортиб, кекса онахонларгача учрата олгансиз. Бугунги киносценарийларнинг саёзлигига асосий сабаб нима? Балки бу саволнинг берилиши табиийдир. Чунки томоша қилган фильмингиз титраларига яхшилаб қарасангиз, гоа муаллифи, сценарий эгаси, продюссери, режиссёри ва ҳатто бош қаҳрамон ижросиси ҳам бир киши.



## Сценарийни ким ёзиши керак

# ёхуд савиясиз кинолар қаердан келяпти?

Бўлар бўлмас сценарийлар асосида катта экранга чиқиб кетаётган картиналарни ким, қайси ташкилот назорат қилади? Наҳотки, томошабин талаби, деб бир хил мавзудаги сценарийлар асосида фильм суратга олавериш тўғри бўлса? Энг қизиғи, биз сценарий деб атаётган диалоглар тўпламини адабиёт қоидалардан хабардор бўлмаган кишилар қоралашяпти. Энг долзарб мавзу ва ҳатто халқ дардини ёритувчи гоа сценарий асосини ташкил этган бўлса-да, агар у адабиёт қонун-қоидаларига амал қилинмай ёзилган бўлса "Ўзбекино" миллий агентлиги ижодий таҳрир комиссияси томонидан бекор қилиниши мумкин. Бу хусусда жавоб бериш керак бўлган шахслар кўп, бироқ жавоб бера оладиганларни топиш мушкул...

### "Ёзувчилар кўп, бироқ киносценарий ёзиш..."

**Ҳотам Файзиев, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, оператор:**

- Яхши сценарий ҳамма замонда муаммо бўлиб келган. Бугун мукамал сценарий ёзадиган сценаристлар санокли. Мустақилликдан олдин суратга олинган фильмларнинг аксарининг сценарийси рус сценаристларига тегишли бўлган. Бироқ улар ҳам ўзбек ёзувчиларимизнинг асарлари асосида ёзишган. Ёзувчилар кўп етарли даражада, бироқ киносценарий ёзишни ўзига яраша машаққати, қонун-қоидалари бор. Киносценарийни дуч келган инсон ёзиб кета олмайди, ниманидир қоралаб, суратга олгани билан бу сценарий ёздим, дегани эмас. Ҳаттоки, оператор ёки режиссёрнинг сценарий ёзиши ҳам ажабланарли ҳол эмас. Агарда ўша инсонда яхши иқтидор ва кучли тасаввур бўлса уйдасидан чиқа олиши мумкин, бу ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Бу иш уники, деб ажратиб қўйиш керак эмас.

### "Ҳар ким ўзининг ишини қилсин!"

**Зулфиқор Мусоқов, режиссёр:**

- Сценарийси саёз фильмларнинг яратилишига асосий сабаб пул! Чунки бугун фильм яратаётганларнинг кўпи профессионал сценаристларга асар ёздириб, пулини кетказгандан кўра ўзлари ёзишни маъқул

кўришади. Баъзи ҳолларда очикдан-очик бошқа фильмлардан кўчиришади, бу жиноят! Тижорат фильмлардаги бадиийликка путур етказадиган нарса пул кетидан қувиш. Камроқ пул сарфлаб, кўп маблағ топиш уларнинг асосий мақсади, ваҳоланки, улар бадиийликнинг "б" ҳарфини ҳам билишмайди. Томошабиннинг савиясини ошириш, ўзбек киноси мавқеини кўтариш уларга қизиқ эмас. Қандай қилиб улар уялмасдан ўзларини сценаристман, режиссёрман, деб эълон қилишади, мен ҳайрон қоламан. Ҳали бадиий кенгашгача етиб борманган ўнлаб сценарийлар бор. Ҳар битта инсон ўзининг ишини қилиши керак. Агар мен профессионал сценарист, режиссёр бўлмаганимда бу ишга қўл урмасдим.

### "Томошабинни дидсизлаштиришга ҳеч кимни ҳаққи йўқ"

**Феруза Нодирова, киношунос:**

- Ўзбек киносидаги ижодий жараёнлар ҳақида гап кетганда муаммо сифатида сценарий масаласи кўндаланг кўйилляпти. Ҳар бир фильмнинг адабий асоси сценарий, қачонки сценарий пухта, пишиқ, бақувват бўлса у бирон бир мавқега эришиши мумкин. Сценарий саёзлиги борасидаги фикрлар хусусий киноасарларга тегишли. Давлат бюджетига олинаётган фильмларда сценарийларга катта аҳамият берилляпти. Бу картиналар томошабинбоп бўлмаса-да, савия жихатдан дунё талабларига жавоб бера олади. Буни мен Собир Назармухаммедов, Нозим Аббосов, Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобидинов, Равил Ботиров фильмлари мисолида келтиришим мумкин. Саёз сценарийлар томошабин дидини ўтмаслаштириб юборди. Натижада, мушоҳада юришиб томоша қиладиган фильмларни кўрмай қўйишди. Пули бор одам хоҳлаган мавзусида фильм олиб кетавериши ярамайди. Ҳомийларга ҳам керакли талаблар қўйилиши лозим. Улар яратаётган фильм томошабин манавиятини ўстиришга хизмат қилиши даркор. Кинонинг биринчи вазифаси - тарбия! Таниқли актёрлар эвазига фильм эътиборни тортиб кетади, деган муносабат бўлиши керак эмас. Ҳомий енгил-елпи мавзуда фильм олиб, пулини ишлаб кетади. Энг кўп жабр чекаётган то-

мошабин. Уларни дидсизлаштириб, маънавиятини ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

### "Сценаристман, дейишга уяламан!"

**Шоира Гиёсова, сценарист:**

- Бугунги кунда сценарий саёзлиги ҳақидаги фикрлар қулоғимга жуда кўп чалиняпти, бу ҳақиқат. Ўзим бир хилликдан қочиш тарафдориман. Вақтида мен ҳам ёзганман, бироқ у пайтларда талаб шунақа эди. Бугун эса одамларга давр қаҳрамони уларнинг тақдири қизиқ. Бир кишини ҳам сценарий ёзиб режиссёрлик қилишига агарда у профессионал бўлмаса мутлақо қаршиман. Фильмда ҳар бир ишни ўзининг устаси қилгани маъқул деб ўйлайман. Чунки ҳар бир ижодкорнинг қараши ҳар хил бўлади. Натижада картина бойийди. Бугун кўрганини қилиб кетавераман, деб ўйлайдиган "мард"лар кўпайиб кетган. Баъзан уларга қараб кўрқиб кетаман. Ўзим эса ҳалигача сценаристман, дейишга уяламан. Сценарий комедия жанрида ёзилган тақдирда ҳам унинг ўзига яраша "юк"и ва томошабинга айтадиган гапи бўлиши шарт!

### "Ётоқ саҳнаси шарт эмас!"

**Гулхумор Абдуллаева, актриса:**

- Бугунги яратилаётган фильмлардаги ётоқ саҳналарига мутлақо қаршиман. Ётоқхонасини катта экранга олиб чиқиш ва уни оммага намойиш этиш бизнинг ўзбек минтолитетига тўғри келмайди. Буни кўрсатишнинг бошқа йўллари бор-ку. Бадиий асарда ёзилиши бошқа, уни экранлаштириш жараёни бошқа масала. Ҳар қандай сценарийни ҳам миллийлигимизга мослаб суратга олса бўлади. Яқинда 30 сериали "Фидоийлар" номли

миллий сериалда суратга тушишни бошлагандим, тан олиб айтаман, сценарий пухта ёзилган. Бироқ сценарийнинг энг охирида ётоқ саҳнаси бор эди. Бошида режиссёр ёрдамчиси билан бошқачароқ қилиб суратга олишни келишгандик, аммо охирига келиб режиссёр айнан шу ҳолатда оламан, деб туриб олди. Кўнишмагач, суратга олиш майдонини ташлаб кетишга мажбур бўлдим.

### "Ўзини ҳурмат қилган режиссёрлар..."

**Дилфуза Мардонова "Ўзбекино" Миллий агентлиги етакчи мутахассиси:**

- Давлат буюртмаси асосида яъни давлат бюджети ҳисобидан яратилаётган фильмларга асосан, профессионал режиссёр ва сценаристлар жалб қилинади. Маданият ва санъат соҳасидаги 13та кенгаш аъзолари ва фильм ижодкорлари иштирокидаги йиғилишда картина режиссёри ва драматургга таклифлар берилди. Биз ҳозирда ҳамкорликда ишлаётган "Санъат маъно", "Илк фильм", "Ёшлар ижодий" студиялари яратаётган фильмлар сценарийсини яхши дейиш мумкин. Ўзбекистонда суратга олинаётган ҳар битта фильмга агар "Ўзбекино" томонидан рухсат берилмаса, у намойишга қўйилмайди. Хусусий фильмларни кўриб чиқиш учун ҳам алоҳида эксперт комиссия бор. Бунга бизнинг директор ўринбосари Жаҳонгир Қосимов бошчилик қилади. Уларнинг талаби албатта, давлат фильмлариникидан енгилроқ. Чунки хусусий студия фильмни ўз маблағига суратга олади. Баъзида шунақа ҳолатлар ҳам бўладики, фильм тайёр бўлиб қолай деганда кўриб чиқишнинг керак экан, деб сценарийни кўтариб келишади. Шу тарзда суратга олинган "Кундош" ва "Қитмир" деб номланган фильмлар эксперт комиссия то-

монидан ўтказилмади. Ўзини ва ижодини ҳурмат қилган режиссёр эртага суратга олган фильмни қайтариб юбормасликлари учун картина сценарийсини комиссияга албатта тақдим этади. Бундай ҳолатга тушмаслик учун сценарийга киритилган ўзгаришларга амал қилишса, меҳнатга ҳам кўйиб қолишмайди.

### "Поп-корн еб томоша қиладиган филмлар..."

**Ғофур Шермухаммад, "Ўзбекино" Миллий агентлиги бош муҳаррири, драматург:**

- Ҳозирги кунда "Ўзбекино" миллий агентлиги тасарруфида хусусий студиялар сценарийларини ҳам кўриб чиқиш йўлга қўйилган. Шу пайтгача улар ўз билганича фильмларни тайёр ҳолда олиб келишарди. Энди эса ҳар битта студияга хат юборилган. Уларнинг аксарияти сценарийларини олиб келишни бошлашди ҳам. Менимча, энди киноижодкор ва "Ўзбекино" экспертлари ўртасидаги тушунмовчиликлар сал бўлсада камаяди. Энг катта муаммо - хусусий студияларда профессионал драматургларнинг йўқлиги. Ачинарлиси эса кинодраматургиядан умуман хабари бўлмаган кишилар кино учун сценарий ёзиши. Биринчидан, ҳаваскорлар ижоди бадиий савияси жуда паст, воқеалар сохта, конфликтлар сунъий ва ялтироқ ҳаётдан иборат бўлиб қолган. Масалан "Шарқ Синема" ва Рустам Саъдиев фильмларида бу муаммолар кўзатиляпти. Профессионаллар билан ишлашга ҳаракат қилиняпти. Бугун кўплаб ёшлар бизга ёзган сценарийлар билан мурожаат қилишяпти. Уқуви бўлмагач, фақат ҳаваскорлик билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугунги фильмларнинг кўпи ўйлаб, мулоҳаза қилиб эмас, поп-корн еб томоша қиладиган картиналарга айланиб бораёпти...

Сўхбатдошларнинг хулосасига кўра сўнгги йилларда ёзилган саёз ва талабга жавоб берадиган сценарийлар асосида яратилган филмлар руйхати...

1. "Ўтов" 1. "Бойвачча"
2. "Мен бу мен" 2. "Шаддод қиз"
3. "Нотаниш" 3. "Кичкина хўжайин"
4. "Қароқчилар"

Хусусий студияда суратга олинаётган фильмларнинг савиясини ошириш учун профессионал ёзувчи ва драматургларни жалб этиш даркор. Бугун катта экранда намойиш этилаётган фильмлар "Ўзбекино" тасдиғидан ўтган, лекин агентликнинг маҳсулоти ҳисобланмайди. Ҳозир кинотеатр заллари ёшлар билан тўляпти. Уларнинг эҳтиёжи учун фильм суратга олавериш ақлли ижодкорнинг иши эмас. Чунки асосий томошабин бугун уйда ўтирибди. Катта экранда бозори юришмаган, бироқ фестивалларда юқори поғоналарни эгаллаб келаётган картиналарни телевидение орқали намойиш этилганида одамлар севиб томоша қиляпти...

**Озод РАВШАН таёрлади.**



# «Камолот» сканворди

Қишлоқ ҳўжалиги қуроли Жаннат боғи					Керак-сиз қоғоз											
				Урчуқ тури			Факультет раҳбари							Наштар		
	Қаршмлик ўлчаов			Шаҳар, Франция			Самолёт							Денгиз қисқич-бақаси		
	100 м²			Богловачи		Хамирли таом					Корея пули					... Ёқубов
	Ўзбекистондаги дарё			Таомлар султони							Халойиқ					
				Волида							Ини					
				Шаҳар, Қирғизстон							Евгений ...					
								Шўр сув								Қатар пул бирлиги
				Ховли-бон		Ой										
				Тана қисми		Адабий жанр				Кушнинг эркаги						Чилон-жийда
																3, 14
Шаҳар, Туркия	Никоҳ дуоси	Чуқурлик	Халқ достони	Француз қироли		Нота	Томоқ	Муסיқа	Ҳай-ҳай вони				Табиат ҳодисаси			
		Спорт тури				Моҳир уста	... Фаёзова						Аёллар кийими			
	Ота (шева)					Салла				Дарё, Россия		Ҳимоячи				Ўрта Ер денгизидаги орол
	Аёллар рўмоли									Ичимлик		Сахро				
				Автомобиль				Жон ...		Ёшлар ташкилот						
				Шарқона кураш												
						Ўтин										
						Волга (қадим)				Нимжон, озгин						
				Мағриб	Дарё, Жан. Америка											
				Ака								Саноқ сон				Сабзавот қобиғи
						Ибн Сина турилган қишлоқ				Мўғул чорвадори		Қиз-ғониш				
										Дарахт						

www.ziyouz.com

## Ota vasiyati


Bor ekan-da, yo'q ekan, qadim zamonda bir kambag'al dehqon o'tgan ekan. Uning hovlisida bir tup toki bor ekan, shu tokdan olgan hosilni sotib qishin-yozin tirikchilik qilargan. Bir kun dehqon betob bo'lib yotib qolibdi. Shunda u yolg'iz o'g'lini yoniga chaqirib bunday debdi:

— O'g'lim, mening kunim bitganga o'xshaydi. Senga aytadigan bir gapim bor. Shuni qulog'ingga isirg'a qilib taqib ol. Gapim shuki, toklarimizning orasiga ikki xum tilla ko'milgan. Shu tillani yilda ikki marotaba — bahor ham kuzda kovlab olib, tirikchiligingga ishlat. Zora shu bilan boyib ketsang.

Otasi shu gaplarni aytibdi-da, olamdan o'tibdi. Bu payt qish ekan, bola bahorni orziqib kutibdi. Olamni gullolaga o'rab bahor ham kelibdi. Yigit ketmonni qo'liga olib, toklarning tagini belbog' bo'yi qilib kovlab chiqibdi. Biroq oltin topilmabdi. Shu orada toklar kurtak chiqarib yaproq yoza boshlabdi. Yigit tilla qidirishni vaqtincha to'xtatib, tok bilan ovora bo'lib qolibdi. Shu yili tok chunonam hosil beribdiki, yigit uni pullab tamom qila olmabdi. Kelasi yil ko'klamda ham yigit oltin qidirib bog'ning tit-pitini chiqarib yuboribdi. Yana oltin topilmabdi.

Biroq bu yil tok o'tgan yildagidan ham ko'p hosil beribdi. Yigit uni pullab juda ham boyib ketibdi. Lekin hamon yigitning xayoli otasi aytgan oltinda ekan. U shu to'g'rida xayol surib o'tirgan ekan, otasining qadr-don oshnasi kelib qolibdi. Yigit unga voqeani aytgan ekan, chol xoxolab kulibdi-da, keyin:

- Bolam, otang aytgan oltinlarni olibsan-ku, — debdi.
- Otaxon, bog'dan bir misqol ham oltin topganim yo'q, — debdi yigit.
- Nega yolg'on gapirasan? Bo'lmasa, bu boyliklarni qaerdan orttirding? — debdi chol.
- Mehnat qilib topdim.
- Sen mehnatni mo'l hosil olish uchun emas, oltinni topish uchun qilding. Otang rahmatli ko'p aqli odam edi. U senga mehnatdan unadigan oltinlarni aytgan, — debdi chol.



## Domla bilan xizmatkor

Bir domlanning xizmatkori bor ekan. Domla xizmatkoriga:

— Shu ho'kiz qo'shga yaramay qoldi, bozorga olib borib sotib kel, — debdi.

Xizmatkor ho'kizni yetaklab bozorga borayotganda bir daraxtdagi sassiqpopushak «pop-pop» debdi.

— Ha, uka, ho'kiz olasanmi? — debdi xizmatkor. Popushak yana populabdi. Xizmatkor:

— Ikki yuz tangami, pulini qachon berasan, ertagami? — debdi-da, ho'kizini daraxtga boylab ketibdi. Domla xizmatkordan: «Ho'kizning puli qani?» deb so'rabdi.

— Ho'kizni nasyaga sotdim, pulini ertaga olib kelaman, — debdi. — Kimga sotding? — debdi domla. — Bir mallapo'shga sotdim, boshida kulohi, bo'ynida ridosi bor.

Xizmatkor erta bilan turib haligi daraxt yoniga kelib qarasa, ho'kiz ham yo'q, mallapo'sh ham yo'q, yolg'iz bir ko'k qarg'a daraxt ustida o'tiribdi. Xizmatkor borib: «Ho'kizning puli qani?» debdi. Qarg'a «g'a-g'a» debdi. —

Ho', sen ho'kizning pulini bermay fo'rm bo'lib o'tarasanmi? Kecha kelganimda egningda malla to'n, bo'yingda rido, boshingda kuloh bor edi. Bugun egningga po'stin, boshingga telpak kiygansan, ho'kizning pulini bermaysanmi? — deb qo'lini ko'targan ekan, qarg'a qo'rqib qag'ilab uchib ketibdi. Xizmatkor etagini belbog'iga qistirib qarg'aning orqasidan quvib ketibdi.

Qarg'a uchib borib bir jardagi uyasiga kirib ketibdi. Xizmatkor: «Ho'kizning pulini ber!» deb uyasining og'ziga qo'lini tiqibdi. Qarg'a uyasidan chiqmabdi. Xizmatkor pichog'ini olib bir chekkadan uyani kovlay boshlabdi, pichoq bir narsaga tegib jaranglab ketibdi. Qarasa bir xum tilla, «shunda u ho'kizning pulini undirdim», deb bir qop keltirib tillani to'ldirib olib ketibdi.



## Олимпиадачилар Тошкентда кутиб олинди

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ўрин олган самолёт Тошкент халқаро аэропортига келиб қўнди. Аэропортда спортчиларни кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Аэропортда олимпиячиларни расмий кишилар, уларнинг яқинлари ва журналистлар кутиб олишди. Спортчилар миллий чолғу асбоблари-

миздан янграган куй-қўшиқлар, гуллар билан қарши олинди ва улар миллий чопонлар кийдирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ, Собиров Ришод, Тигиев Сослан "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони, Атоев Аббос "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" унвони билан, юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун

Таймазов Артур "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланди.

Шу билан бирга, 3 карра Олимпиада чемпиони, Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг олтин медал соҳиби Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Артур Таймазовга янги Chevrolet Malibu автомобилнинг калити топширилади. Олимпиаданинг бронза медалларини қўлган киритган Аббос Атоев, Ришод Собиров ва Сослан Тигиевларга Chevrolet Lacetti автомобиллари совға қилинади.

### «Ватандош» газетаси жамоаси таъзия билдиради

Ўзбек умум уюшмаси ҳамда «Ватандош» газетаси жамоаси ҳамюртимиз, узоқ йиллардан бери АҚШда истиқомат қилиб келган, ўз ҳаётини яхшилик ва эзгу амалларга бағишлаган Тоҳирота вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Тоҳир ҳожи Тошкентда таваллуд топган бўлиб, 91 ёшни қарши олган эди. У АҚШда яшаётган обрўли, аҳамиятли юртдошларимиздан бири бўлиб, кўпчиликка ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан таянч эди. У Бруклиндаги кўплаб ҳамюртларимизга яхшилиги теккан муйсафидларимиздан эди.

Қолаверса, Тоҳирхожи Бруклиндаги энг йирик масжидлардан бирининг барпо этилишида ҳам бош-қош бўлиб, катта ҳисса қўшган.

Жойлари жаннатда бўлсин, дея марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирамиз!



**BRAMSON ORT**  
COLLEGE [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**QUEENS CAMPUS**  
69-30 Austin Street, Forest Hills  
877-404-5373  
Zoya Yakubova ext. 178

**BROOKLYN CAMPUS**  
8109 Bay Parkway, Brooklyn  
877-472-1097  
Tatyana Golovko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN (MAC & PC)
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR DEGREE!**

**LOW TUITION!**

**REGISTER TODAY**

**EDUCATION is**  
**The SECRET to**  
**SUCCESS!**  
**Invest in YOUR**  
**FUTURE!**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ
- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**Open House**  
**May 6th, 2012**  
**12 - 4 pm**